

**КОМИЛЖОН СУЛТОНОВ**

**АМИР ТЕМУРГА МУНОСИБ  
ВОРИСЛАР**



**ТОШКЕНТ**

**«Yangi nashr» —2014 йил**

УЎК: 94(575)  
63.5(5Ў)  
С-80

Султонов, Комилжон  
Амир Темурга муносиб ворислар/ К.Султонов;-  
Тошкент:  
«Yangi nashr» 2013. 88 бет

КБК 63.5(5Ў)

ISBN-978-9943-22-133-8

*Маълумки, ҳар бир халқ, ҳар бир инсон ўз авлод-аждоди тарихини билишга, ўзлигини англаб етишга интилади. Чунки ўз юрти, аجدодлари тарихини билмаган ва миллий қадриятларини унутган халқда миллий ғурур бўлмаганидек, насл-насабини, авлод-аждоди кимлигини билмаган инсонда ҳам ғурур бўлмайди. Ғурур туйғусини шакллантириш учун, албатта тарихий хотирани тиклаш лозим бўлади. Халқимизда, айниқса юртимизни келажакини ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларда тарихий хотирани тиклашнинг самарали усулларидан бири эса, буюк аجدодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Мазкур китобда Амир Темур амалга оширган буюк ишлар билан бир қаторда навқирон юртимизда эришилган ютуқлар таҳлил қилинган. Энг муҳими, аجدодларга бўлган ҳурмат ва бугун ўзингиз амалга оширган буюк ишлар ҳақида ўқиш, албатта, ҳар жиҳатдан мароқлидир. Ўйлаймизки, бу китоб шонли Ватанимизнинг тарихий кунларини ёритадиган муҳим китоблардан бири бўлиб қолади.*

ISBN-978-9943-22-133-8

« Yangi nashr », 2014 йил

## ***ГУЛЛАЁТГАН БОҒ ҲАВОСИ***

Баҳор ойида гуллаётган боққа кирсангиз, хушбўй ҳидларга тўла муаттар ҳавоси юрагингизга болдай ҳузур беради. Юртимиз ана шундай гуллаётган боғ. Бугун унга, кўз тегмасин, дея ҳавас билан боқаётганлар кўп. Президентимиз Ислоҳ Каримов маърузаларининг бирида: «Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгалик ҳиссиёти, ён - атрофида бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда», деган эди. Қашқадарёлик зиёли инсон, ёшлар мураббийси Комилжон Султонов юртимизга астойдил хизмат қилишга интиланган, ўз зиммасидаги масъулиятни сезган кишилардан бири. У бой ўтмишимизни, айниқса теурийлар тарихини яхши биледи ва ҳар бир ўтмиш воқеасидан тўғри хулоса чиқаришга интилиб яшайди, шунингдек тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизнинг эришган ютуқларини худди моҳир рассомдек ёрқин бўёқларда акс эттириб, ўз ўқувчиларига етказишга шошилади.

Мазкур рисолада муаллиф кечага ва бугунги воқеаларни холисона баҳолар ва юртимизнинг қисқа даврда қўлга киритган ютуқлари моҳиятини очишга ҳаракат қилар экан, айниқса ёшларни ватан тарихини билишга, ғурурларини баланд тутишга, уларнинг ҳеч кимдан кам эмасликларини аниқ далиллар орқали исботлашга интилади. Шу билан бирга юртимиздаги бағрикенглик,ўзаро аҳилликнинг моҳиятини шарҳлаб, бу ҳам ютуқларимиз гарови бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди. Чунончи,Амир Темур шахси ҳақида мулоҳаза юритар экан,халқимизнинг тарихан бунёдкор бўлганлигини ва анъананинг юртимизда сайқал топаётганлигини нақш этадики, бу ёшларимиз онгида тарихий хотирани тиклашга,уларни бунёдкор ишларга чорлашга замин яратади. Комилжон Султоновга ўхшаган зиёлиларга мустақиллик ўз фикрларини мана шундай эркин баён этиш имконини бердики, бугун улар юртимизни янада раванқ топтириш ишларида ўзларининг ҳиссаларини қўшишга интилиб яшайптилар. Қаранг, гуллаётган боғимизда яна битта оппоқ ниҳол хушбўй атири билан кўнгилни хушламоқда, муаллиф айтганидек,ундан баҳра олиб яшаш ва ишлашнинг,юрт ишига ҳисса қўшишнинг ўзи ҳам катта бахт.

**ТЎЛҚИН ХАЙИТ,**

***ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ***

## Муқаддима

Буюк шахсларни тарих яратади. Бунга қўшимча қилиб, Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади дейиш мумкин.

**Ислон Каримов.**

Мамлакатимизнинг мустақиллиги бизларга хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш учун қулай имкониятларни яратиб берди. Жумладан, тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилган, унутилишга маҳкум этилган улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни билишга, у зот ҳақида айтилган ва айтилаётган юксак баҳолардан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Бу бахтни эса халқимизга муяссар этган, албатта, мухтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовдир. Чунки, айнан юртбошимизнинг ташаббуслари ва саъй - ҳаракатлари билан буюк Соҳибқироннинг ҳурмати ўз ўрнига қўйилди. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: **«Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ».**

Ушбу китобда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларини мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг эл-юрт манфаати йўлида амалга ошираётган улкан хизматлари билан боғлаган ҳолда имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Албатта, биргина китоб орқали шундай буюк шахслар фаолиятини тўлиқ очиб беришнинг имкони йўқ, чунки бу зотнинг фаолияти кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Қолаверса, бу бизнинг кўп минг йиллик бой тарихга эга бўлган давлатимиз ва халқимиз олдидаги қарзимиздир, деб ўйлаймиз.

Бугунги китобхонни буюк шахслар фаолиятига оид нафақат «Ким? Қачон? Қаерда?» деган саволларга жавоб берадиган асарлар, балки (файласуфларга хос бўлган) «Нимага? Нима учун? Қандай қилиб?» деган

саволларга жавоб берадиган таҳлилий асарлар кўпроқ қизиқтиради. Иш фаолиятимиз давомида бунга кўп маротаба амин бўлганмиз. Мисол учун: «Нима учун? Нимага «Европанинг халоскори» деб тан олинган ва ўз халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, замонасининг ўта маданиятли вакили бўлган ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур собиқ шўролар давлатида ўз халқига ёмон отлик қилиб кўрсатилди? Ёки қандай қилиб иқтисодий жихатдан қолоқ, сиёсий муте бўлган, сўнги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқ жуда қисқа фурсатларда барқарор ривожланиб, халқаро ҳамжамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашга эришди? Нима учун дунё ҳамжамияти мустақил ва навқирон Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқда?» ва ҳақозо.

Ушбу китоб орқали юқорида келтирилган саволларга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қилдик. Агар китобнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришда озгина бўлса-да нафи тегса, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаймиз. Мақсадимиз эса, албатта халқимиз, айниқса баркамол авлод вакиллари бўлган ёшларимиз онги- тафаккурида тарихий хотирани тиклаш ва улар қалбида миллий ғурур туйғусини юксалтиришдир. Зеро, ўтмишини билмаган ва унутган халқнинг ғурури ҳам, келажаги ҳам бўлмаслигини кўпгина донишмандлар такрорлаб ўтганлар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **«Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган».** Айниқса, ўзини сиёсатчидан, арбобдан деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

## Исботини топган башорат

Тарих – бу мунаввар кўзгу, халқ маънавиятининг асосидир. Ўз тарихига назар ташлаган инсон ҳам, миллат ҳам ўзлигини англайди. Агар халқимиз тарихига назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон деб аталмиш юрт ўзининг бой моддий ва маънавий мероси билан умумбашарият хазинасига улкан ҳисса қўшганига ва жонажон ватанимиз жаҳон цивилизация бешикларидан бири бўлганлигига амин бўламиз. Шу боис мухтарам юртбошимиз: **«Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан»** деб фахр билан таъкидлайдилар .

Ҳақиқатдан ҳам, ўтган давр мобайнида башарият тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар у қадар кўп эмас. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Саудия Арабистони, Миср, Греция, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия ва, албатта, Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Бу эса ўз ўрнида халқимиз қалбида чуқур ифтихор ва миллий ғурур туйғуларини уйғотиб, шундай буюк аждодларнинг авлоди эканлигимизга шукроналар айтишга чорлайди.

XX асрнинг охирларида ўз асарлари билан дунёда машҳур бўлган, Ўзбекистон ва ўзбек халқига, унинг тарихига доимо ҳурмат ва ҳавас билан қараган қирғиз адиби Чингиз Айтматов шундай фикр билдирган эди: **«Қадим Греция Оврупада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида шундай ўрин эгаллаган»**. Қолаверса, АҚШнинг Чикаго шаҳрида 200 минг нусхада чоп этилган, 180 минг атама ва сўзга изоҳ берилган *The World Encyclopedia Dictionary Book*” (Жаҳон қомусий луғат китоби) номли китобда аждодларимизга: **«Ўзбек – жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтrockлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат»**... дея таъриф берилгани бежиз бўлмаса керак, албатта. Халқимиз шаънига айтилган

бу юксак баҳолар калбимизга фахр ва ғурур туйғусини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Дарҳақиқат, буюк алломалар ва машҳур саркардалар, жаҳонга машҳур мутафаккирлар, жумладан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Соҳибқирон Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва она заминимизда яшаб ижод этган бошқа кўплаб сиймолар жаҳон фани, маданияти, бир сўз билан айтганда, умумбашарият тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Муҳтарам Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида ҳам 46 нафар ана шундай улуғ сиймолар номи тилга олинадики, уларнинг аксарияти бугунги Ўзбекистон худудига, ўзбек маданиятига дахлдор бўлган буюк шахслардир. Шу ўринда савол туғилади. Буюк шахслар деганда кимларни тушунмоқ керак? Авваломбор, ўз фаолияти ва қолдирган бой моддий ва маънавий мероси билан ўз халқи ва миллати довуғини бутун дунёга ёйган, ўз халқи эзгу ниятларини рўёбга чиқарган шахсларни тушунмоғимиз лозим. Агар инсоният тарихига назар ташласак, бу кўхна дунёда кўплаб ҳукмдорлар, машҳур саркардалар ўтганлигини гувоҳи бўламиз. Лекин, уларнинг барчасини буюк шахслар бўлган, деб айтолмаймиз. Чунки, уларнинг аксарияти босқинчилик, талончилик билан шуғулланиб, ўзларидан на моддий, на маънавий мерос қолдирганлар. Аксинча, кўпчилиги ўз манфаати йўлида яшаб, баъзилари эса айшу –ишратга берилиб, нафақат ўз халқини, балким бошқа халқларни ҳам моддий ва маънавий меросидан маҳрум бўлишига олиб келганлар. Буни биргина Чингизхон ва унинг авлодлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, у ўзининг вахшийликлари билан кўпгина халқларни, жумладан бизнинг халқимизнинг ҳам нафратига йўликқан саркардалардан биридир. Тарихий манбалардан маълумки, мўғул босқинчилари даврида юртимизнинг гуллаб-яшнаган воҳалари хувиллаб

қолган, ўнлаб шаҳарлар бутунлай йўқ қилинган. Асрлар давомида яратилган ноёб ёдгорликлар ва меъморий осори- атиқалар вайрон этилган. Шунга қарамай, ҳали ҳам баъзи манбаларда, кинофильмларда, айниқса интернет тармоқларида ёритилаётган мақолаларда Чингизхонни буюк деб эътироф этиб келинаётгани ачинарли ҳол. Ваҳоланки, Чингизхондан фақат ҳаробалар ва аччиқ хотиралар қолган. Энг ёмони, бузғунчи ғоя намоёндаларини буюклик даражасига кўтариш келажак авлод тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, буюклик ва улуғликнинг юки оғир. Бу юкни кўтариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Буюкликни орзу қилган инсон авваломбор, куйидаги талабларга жавоб бериши лозим бўлади, деб ўйлаймиз:

Биринчидан - фақат юксак маънавиятли, яъни қалбан тоза ва руҳан пок бўлиши;

Иккинчидан - ўзининг инсоний камолоти, ақл-идроқи ва узоқни кўзлаб юргизган сиёсати билан нафақат ўз миллати, юрти тараққиётига, балки умумжаҳон тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўша олиши;

Учинчидан - фаолияти ва қолдирган бой моддий ва маънавий мероси билан ўз халқи ва миллати довуғини бутун дунёга ёйиши лозим бўлади. Оллоҳга шукр, бугунги кунда бошимизни баланд қилиб, фахр билан айта оламизки, юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб берадиган буюк шахслар халқимиз ўтмишида ҳам бўлган, бугунги кунда ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади, иншооллоҳ. Хўш, тарихимизда ўтган қайси ҳукмдор, саркарда, давлат арбоби буюклик шарафига муносиб бўлган ва нима учун?

Ушбу саволга жавобни Президентимиз Ислам Каримовнинг куйидаги фикрларидан англаб олиш мумкин: **«Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довуғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади».**

Албатта, бу буюк зот -- Соҳибқирон Амир Темурдир. Бу инсоннинг шахсига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмагани, у қолдирган моддий ва маънавий

меросга бўлган эътибор ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, балки кадр-қиммати янада ошаётганлиги бундай дейишимизга асос бўла олади.

Энди фикримизни давлатчилигимиз тарихига қаратсак. Хўш, тарихимизда ўтган қайси давлат қудратли ва ҳавас қилса арзигулик даражада машҳур бўлган? Манбалардан маълумки, туркий забон (тилли) халқлар ўз тарихида ўн саккизта шавкатли салтанат қурган халқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир халққа бундай давлатчилик қуриш насиб бўлмаган. Бу салтанатлар ичида эса, энг улуғи ва қудратлиси ҳам албатта, Соҳибқирон Амир Темур асос солган, марказлашган буюк давлатдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **«Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди»**. Ҳақиқатдан ҳам, ўз даврида Соҳибқирон давлати дунёнинг тараққий қилган, қудратли ва мустаҳкам давлатларидан бири бўлган. Мамлакатда тўқчилик, фаровонлик ҳукм сурган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда ўсиш, юксалиш жараёнлари юз берган. Шу ўринда яна бир савол туғилади: Қачон давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, юксалиш жараёнлари содир бўлади? Ушбу савол жавобини Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарларидан топиш мумкин: **«Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки, ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади»**.

Демак, ушбу уйғунликка эришмаган ва буни тан олмаган давлат ва жамият эса ўз мақсадига эришолмайди. Бамисоли, бир қаноти шикастланган қуш каби кўзлаган манзилига етолмайди. Яқин ўтмишда, яъни мустабид деб ном олган тузумда шундай ҳолат юз берганига барчамиз гувоҳмиз. Чунки бу тузум ҳукмронлик қилган даврда, маънавиятга иккинчи даражали муносабатда бўлинди. Ҳаттоки, дин афюндир, дейишгача борилди. Охир – оқибат, ўзини

қудратли , мустаҳкам ва енгилмас деб бутун дунёга жар солган тузум ўз-ўзидан тарқаб кетди. Зотан, Соҳибқирон, лутф этганларидек: **«Қайси мамлакатда диндан қайтишлик ва худосизлик кучайса, ўша юртнинг аҳолиси, қолаверса халқи турли маслакка кириб, иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг халокати яқиндир»**. Мана сизга, инсоният тарихида кўп мартаба ўз исботини топган хақиқий башорат.

## **БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК ЙЎЛИ**

Мустақиллик шарофати туфайли, унутилган қадриятларимиз, тарихимиз тикланди.Энг асосийси юртдошларимизнинг ҳаётга, ўз тақдирига, Ватанимиз тарихи ва келажаги, бой миллий қадриятларимизга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Маълумки, мустабид тузум даврида юртимизни қарам мамлакатга, халқимизни эса боқиманда халққа айлантиришга ҳаракат қилинди.Агар истиқлол йилларида асосий эътибор халқимиз маънавиятини ва унинг онги- тафаккурида миллий ғурур туйғуларини юксалтиришга қаратилган бўлса, мустабид тузум даврида аксинча, асосий эътибор халқимизнинг миллий ғурурини сўндиришга, йўқотишга қаратилди. Қалбида ғурури туйғуси йўқ инсонни ҳам, халқни ҳам енгиш ва бошқариш осон кечади. Айнан шу даврда, яъни қарамлик ва тобелик йилларида дунёга машҳур давлат арбоби, давлат бошқаруви соҳасида ўчмас из қолдирган, ватанимизнинг даҳо халоскори бўлган Амир Темур бобомиз шахсиятини эслаш,улуғлаш имкониятидан маҳрум бўлиб яшадик. Чунки, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йўл қўймаган эди.Мазкур ҳолатни назарда тутиб, Президентимиз Ислам Каримов:**«Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди.Лекин ўзбек халқи ўз ажодларини, ўз баҳодирларини унутмади, хамиша юрагида, қалб тўрида сақлади»**, деб таъкидлайдилар.

Қолаверса, инсоният тарихида яшаб ўтган энг машхур хукмдорлар ва саркардалар каторидан жой олган Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳақиқатни сўзлаш ва уни улуғлаш нафақат ўзбек халқининг, балким бошқа Ўрта Осиё халқлари онги- тафаккурида миллий руҳ ва миллий ғурурни уйғотиши, ҳамда мустаҳкамлаши мумкин эди. Бундай ҳолат эса, хукмрон мафкура ва истибдод тузумининг сиёсатига ҳам, мақсадига ҳам зид эди. Бу ҳам бутун бир халқ қалбидаги миллий ғурурни синдиришнинг бир кўриниши эди. Демак, юритилган бундай сиёсатнинг заминида - халқимиз қалбидан миллий туйғу, миллий ғурур ва ўзликни англаш ғояларини таг-томири билан йўқотиш мақсадлари яширинган эди. Ваҳоланки, ҳазрати Соҳибқирон хукмронлик қилган давр - аждодларимиз ҳаётида чинакам уйғониш даври, яъни миллий тикланиш ва миллий тараққиёт палласи бўлган. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бирор - бир соҳа улуғ бобокалонимиз назаридан четда қолмаган. Барча соҳаларда ислохотлар ўтказилиб, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилган. Жумладан, йигирма етти мамлакатни ўз тасарруфида тутган салтанатда қонун устуворлигига эришилган ҳолда, ҳуқуқий давлат асослари яратилган. Буни куйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: **«Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида кадрлидир. У давлат пойдеворини қурган. Давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади».**

Агар фикримизни Амир Темур фаолиятига доир салбий фикрлар билан суғорилган асарларга қаратадеган бўлсак, бунинг замирида эса - тарихни бузиб кўрсатиш, халқимиз ва унинг тарихига нисбатан ҳасад, миллий ғурурни синдириш каби ҳаракат ва ниятлар ётганлигини кўраемиз.

Афсусланадиган ва шу билан бирга ғурурланадиган томони шундаки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, унинг маънавий меросини биздан кўра Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кўпроқ билишади. Дунёнинг эллиқдан ортиқ мамлакатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсатаётганлиги,

Францияда «Темурийлар даври тарихи ва санъати тадқиқот Ассоциацияси» фаолият юритаётганлиги, Соҳибқироннинг жанг санъати ҳамон жаҳондаги кўпгина ҳарбий академияларда илм сифатида ўқитиб келинаётганлиги, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда қатор олимлар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган ва ёзилаётган кенг кўламли асарлар фикримизни яққол далилидир. **«Биргина Ғарбий Европада беш- олти аср давомида буюк Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган поэтик, драматик, насрий асарлар тўпланса, бир кутубхонани ташкил қилади».**- деб ёзган эди маърифатпарвар ўзбек олими Бегали Қосимов. Бу, бир томондан қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, ҳозирда ҳам кўпгина Европа ва Шарқ мамлакатларида улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром сўнмаганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу ҳолатга давлат раҳбаримиз Ислоҳ Каримов шундай муносабат билдирадилар: **«Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди. Бу ерда XV-асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскори» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган. Аини Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди. Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз».**

Яна бир афсусланадиган томони шундаки, улуғ Соҳибқироннинг халоскорлик фаолиятидан баҳраманд бўлган Европада, хусусан Францияда бобокалонимиз фаолиятига чуқур ҳурмат тариқасида олтидан ҳайкалча ясалган бир пайтда, бизнинг халқимиз буюк Соҳибқиронни эслашдан ҳам маҳрум қилинган эди. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йўл қўймаган.

Қолаверса, бу ҳам халқ қалбидаги миллий ғурурни сўндиришнинг бир кўриниши эди. Оллоҳга шукрки, мустақиллик шарофати туфайли ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан чуқур эҳтиром тариқасида улуғ бобомизнинг мухташам ҳайкаллари мамлакатимизнинг Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида қад ростлади. Бу эса ўз ўрнида - тарихий адолат ва миллий ғурурнинг тикланиши эди.

Шу ўринда эътиборингизни ана шу оламшумул тарихий воқеага қаратишни лозим топдик. Маълумки, 1996 йил 18 октябрда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром тариқасида ҳайкал ўрнатилишига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтган эди. Ушбу тантаналар чоғида, юртбошимиз Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирининг Амир Темур образи бадиий талқинлари ҳақидаги саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан, шундай деганлар: «...Менинг назаримда, Соҳибқирон Темурнинг бу ҳайкаллари нафақат бадиий, балки катта маънавий – тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилатлари намоён бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириш ва сафарбар этишига ишонаман. Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил савдоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади: «Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завол топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлгусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз - адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат - бизнинг дастуримиздир». Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриёдлар бўлишга даъват этади».

Бугунги саодатли кунларда тарихда ўтган аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини холисона ёритиш, аниқроғи халқимиз тарихига адолат нуқтаи – назаридан баҳо

бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур номи, шаъни шавкати ва мероси қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат, ҳаққоний ва холисона ёритилди ва ёритилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси мустақиллик шарофати туфайлидир. Чунки, мустақиллик халқимизга тарихий ҳақиқатни, тарихий адолатни, қолаверса улуғ Соҳибқирон Амир Темурни қайтариб берди. Шу ўринда падари бузрукворим Аслон Султонов –шоир Оғашернинг Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб ёзган қуйидаги шеърини келтиришни лозим топдим.

### **СОҲИБИ ДАВРОН**

**Ўзбек диёрининг зар тупроғида**

**Бобомиз Темурнинг ўчмас изи бор,**

**Қир, адир боғдаю гул япроғида**

**Соҳибу давроннинг нурли юзи бор**

**Шаҳару қишлоқда тўю тамоша,**

**Тунни кунга улаб қурамиз базм.**

**Биз шонли авлодлар асрлар оша,**

**Жаҳонгир инсонга қиламиз таъзим.**

**Олти юз етмишдан ошибди бобом,**

**Таваллуд тўйида дунё кезар у.**

**Қутлуғ анжуманлар этади давом.**

**Истиқлол қуёшин руҳан сезар у!**

**Қадимий Туронда шонли тўйингиз**

**Машъал диёримда муборак бўлсин,**

**Юртимга ҳамнафас фикру ўйингиз,**

**Рухингиз халқимга мададкор бўлсин!**

**Ғазалхон, Оғашер, қўлимда созим,  
Фикрим кошонаси маржон сўзлардан,  
Тўйга тўёнадир қўшиқ, дил розим,  
Яратган асрасин ёмон кўзлардан.**

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ҳар тарафлама ўрганилаётгани, Соҳибқирон номи билан боғлиқ қутлуғ саналар халқаро миқёсда нишонланаётгани, 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши, Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонлари билан «Амир Темур ордени» таъсис этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ва бошқа яна кўплаб амалга оширилган ва оширилаётган ишлардан барчамизнинг қалбимиз руҳланди, албатта.

Маълумки, 1996 йилнинг 23-26 октябрь кунлари халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзuidaги халқаро конференция ташкил қилинган эди. Бу тарихий анжуманга Америка, Англия, Франция, Германия, Хитой, Миср, Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва яна дунёнинг қатор мамлакатларидан олимлар, меҳмонлар ташриф буюришиб, бобомиз Амир Темурга ўз эҳтиромларини изҳор этдилар. Жумладан, ушбу анжуманда сўзга чиққан, германиялик профессор Клаус Пандер Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг шонли қирралари устида тўхталиб: **«Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил камайиб бораётган ҳозирги шароитда Амир Темур бўлганда эди, барча муаммолар ечим топарди»** деб эътироф этгани ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Албатта, ушбу сўзларни эшитиб, шу юртнинг фарзанди, шундай буюк зотнинг авлоди эканлигиндан фахрланиб кетасан, киши.

Истиқлол йилларида Амир Темур тарихи ва фаолиятига бағишланган жуда кўп китоблар, мақолалар ёзилди. Айниқса, 2011 йилда «Темур тузуклари» китобининг она тилимизда янги тандан юксак сифатда чоп этилиши эса, ҳеч шубҳасиз маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатчилиги, унинг моҳияти ва халқаро нуфузи масаласи Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқларида ҳам ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилди. Жумладан, «Соҳибқирон камолга етган юрт», «Амир Темур – фахримиз ғуруримиз», «Эҳтиром», «Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин», «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Азалий буюклик маскани», «Адолат ва қудрат тимсоли», «Юксак маънавият – енгилмас куч» ва бошқа ўнлаб мақола, расмий ҳужжатларда Амир Темур давлатчилиги сиёсатининг барча жабҳалари ҳолисона изоҳлаб берилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва яна такрор-такрор айтадиган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга оширилган хайрли ва савоб ишлардан бир нишондир, ҳолос.

Шу ўринда мамлакатимизнинг бугунги ҳаётига оид яна баъзи –бир мулоҳазаларни айтиб ўтишни ҳам лозим деб топдик. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритилди. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бу ютуқларни замирида юртбошимиз Ислам Каримов бошчилигидаги давлатимизнинг оқилона сиёсати ётибди. Албатта, ўтиш даврига хос қийинчиликлар ва муаммолар бизни давлатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин, олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бу муаммолар ва иқтисодий қийинчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даврига хос бўлган - вақтинчалик ҳодисадир. Қолаверса, аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган, дунёнинг мана-ман деган донгдор (яъни- тараққий этган, ривожланган) давлатлари ҳам бугунги тараққиёт даражаларига бирданига ва осонгина эришмаган. Мисол учун, бозор муносабатларига ўтиш

Англияда 200 йил, бошқа кўпгина мамлакатларда 100-150 йил мобайнида шаклланган. Демокчимизки, улар ҳам иқтисодий қийинчиликлар босқичини босиб ўтганлар. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш, умуман олганда фаровон турмушга эришиш осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Ушбу жараён каттаю-кичик, барчамиздан сабр тоқатли бўлишни ва маълум муддат хузур ҳаловатдан воз кечишни талаб этади. Бу масалага Президентимиз шундай фикр билдирадилар: **«Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзот бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт хузур-ҳаловатидан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди».**

Айниқса, элим деб, юртим деб халқ дарди ва қайғуси билан ёниб яшаётган, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон куйдираётган юртбошилар доимо ўз хузур-ҳаловатидан воз кечганлигини тарих ва бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб, исботлаб турибди. Ушбу масалага ўз даврида Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ҳам ўз фикрларини қуйидагича баён қилган эдилар: **«Салтанат чопонини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ва хузур-ҳаловатдан воз кечдим» (Темури тузуклари).**

Худди шу ҳолат мустақилликка эришиш арафасида ҳам, истиқлол йилларида ҳам юртбошимиз фаолиятларида ўз аксини топган. Бу ҳақда замондошларимиздан академик Ш.З. Ўразаев шундай фикр ёзиб қолдирган: **«Президент - ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба, дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди».**

Маълумки, ўша ўта мураккаб ва зиддиятли даврда собиқ иттифоқ республикалари қаторида мамлакатимиз ҳам инқироз ҳолатига келиб қолганди. Айниқса, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кескин ва мураккаб вазият юзага

келганди. Чунки, мустабид тузум даврида энг муҳим озиқ - овқат маҳсулотлари, яъни ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол моллари республикамизга четдан олиб келинарди. **«Ўша таҳликали даврда-дейдилар Президентимиз,-- юртимизда бор йўғи 10-15 кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очлик остонасига келиб қолганини яна бир ёдга олайлик. Бу ўринда гап битта оила, битта жамоа ёки маҳалла ҳақида бораётгани йўқ, ўша кезларда 25 миллионлик халқ, бутун бошли бир мамлакатнинг тақдири ва келажаги қил устида турган эди».**

Ана шундай оғир вазиятда муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг ўз вақтида кўрсатган матонати ва олиб борган оқилона сиёсати туфайли мамлакатимиз инқироз ҳолатдан муваффақият билан чиқиб кетишга эришди. Энг асосийси, катта бойлигимиз ва ютуғимиз бўлган тинчлик ва осойишталик сақлаб қолинди. Ваҳоланки, ўша даврда бизга қўшни бўлган республикаларда аҳолини тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи даҳшатли воқеалар тез-тез содир этилаётган эди. Россияда чиқадиган «ВЕК» газетасида босилган бир мақолада, ўша давр тўғрисида шундай баён қилинган эди: **« СССР парчаланиб кетгандан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Ислон Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади».**

Ҳақиқадан ҳам, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги шарофатли кунларга етишишни ўзи бўлгани йўқ, албатта. Чунки, иқтисодий жиҳатдан қолоқ, сиёсий муте бўлиб сўнги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқни энг замонавий илғор қарашлар, дунёвий демократик асосларда тамомила янгилаш, фавқулодда мураккаб ва оғир иш эди. Буни орқасида қанча машаққат ва қийинчиликлар бўлганлиги муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарларида батафсил очиб берилган. Президентимизнинг ушбу китоби 35 майруза, нутқ, интервью ва фармонлардан ўз ичига олган бўлиб, ўтмишимизнинг энг мураккаб ва кескин даври бўлмиш истиқлол арафасида мамлакатимизда содир

бўлган сиёсий жараёнлар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий мавзулардаги баҳс, тортишув, ҳамда озодликка эришиш йўлидаги курашлар тарихига бағишланган. Ўз иш фаолиятим даврида бу китобни қайта- қайта ўқиб, собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнги йилларидаги ана шу давр қанчалар оғриқли кечгани, рўй берган парокандаликнинг сабаб ва оқибатларини яққолроқ ҳис этгандек бўлдим. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари барча юртдошларимиз томонидан истиқлол тарихини ҳаққоний ифодалаган асар сифатида эътироф этилди. Ушбу асарни ўқиб, уқиган зиёли инсон сифатида, бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрига етмоқ ва бунга шукроналар айтмоқ, шу заминда яшаётган, шу мамлакатнинг тақдирига ва фарзандлари келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир, деб ўйлайман. Қачонким, шу Ватан бизники - унинг тараққиётига тўсқинлик қилаётган, тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган ҳасадгуй ғаним кучларга ва миллий ғоямизга ёт иллатларга қарши курашда ўзимизни масъул сезиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, келажаги буюк давлат қурилишида озгина бўлсада, ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бунинг учун эса, албатта лоқайд ва бепарво бўлмаслигимиз, халқимиз, айниқса мамлакатимиз келажаги бўлган бўлган ёшларимиз маънавиятини янада юксалтиришимиз лозим бўлади. Чунки, айнан лоқайдлик, бепарволик ҳукм сурган ва маънавиятида бўшлиқ бўлган мамлакатларда ғаним кучлар ўз ёвуз ниятларини амалга ошираётганлигини, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган мудҳиш воқеалар исботлаб турибди. Шу боис Президентимиз халқимизни юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни ақл идрок билан баҳолаб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишлигимизни таъкидлайдилар. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: **«Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган**

**хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин».**

## **Ҳақиқий эрлар – юрт таянчи**

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзида 252 та катта ва кичик мамлакатлар мавжуд. Бу мамлакатлар ичида эса, Ўзбекистон Оллоҳ таоло назари тушган заминда жойлашган десак муболаға бўлмайди. Чунки, биз яшаётган замин қадим замонлардан бери маданият ва зиё маскани бўлиб, халқимиз эса дунёни ларзага келтирган улуғ зотларни тарбиялаб, вояга етказган халқдир. Президентимиз айтадилар: **«ОЛЛОҲ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради? Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамикки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назарига тушган ана шундай муқаддас диёрдир».**

Савол туғилади: Оллоҳ назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш ушбу муқаддас диёрда, ўтмишда ҳам адолатга таянган ва қонун усутворлигига эришган қудратли давлат бўлганми? Албатта, бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу турли миллат ва элатлардан таркиб топган, ўз таркибига йигирма етти мамлакатни бирлаштирган улуғ Соҳибқирон Амир Темур асос солган қудратли давлатдир. Нима учун? Ушбу саволга жавоб топиш учун, авваломбор қудратли ва мустақкам давлат барпо этиш учун қандай асослар бўлишлигига, эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу масалага бундан 2000 йил илгари римлик машҳур нотик ва давлат арбоби Цицерон шундай фикр билдирган эди: « Давлатнинг таянчи кўҳна удумлар (маънавий мерос ) ва ҳақиқий эрлардир». Демак, Цицерон яшаган даврда ҳар тарафлама мустақкам ва қудратли давлатни барпо этиш учун, авваломбор юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ақл-идрокли давлат раҳбарига таянилган. Давлатнинг гуллаб яшнаши учун эса халқ маънавиятини юксалтириш талаб этилган. Бунга

қўшимча қилиб, Соҳибқирон Амир Темур даври ва бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган жараёнларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар тарафлама мустаҳкам ва қудратли давлатни барпо этиш учун яна қуйидаги мезонлар ҳам даркор бўлади:

Биринчидан - давлат мустақил бўлиши, яъни қарам бўлмаслиги шарт. Чунки, қарам мамлакат ҳеч қачон мустаҳкам ва қудратли бўлолмайди. Қарамликдан қутулиш учун эса ақл-идрокли ва мустаҳкам иродали, узоқни кўра биладеган, талабчан ва қаттиққўл, ватанпарвар ва халқпарвар етакчи - раҳбари бўлиши лозим. Чунки ушбу фазилатларга эга бўлган раҳбар билан нафақат мустақилликка, балким мамлакатда қонун устуворлигига ҳам эришилади. Қонун устуворлигига эришган давлат эса, албатта мустаҳкам ва қудратли бўлади.

Иккинчидан - барча соҳаларда ислохотлар ўтказиш ва бу ислохотларни босқичма- босқич амалга ошириш. Чунки мустақиллик - ислохот демакдир.

Учинчидан - жамият аъзоларини маънавиятини юксалтириш. Чунки, жамият аъзоларини маънавиятини юксалтирмасдан юқоридаги мезонларни руёбга чиқариш қийин кечади. (Айниқса, ўтиш даврида). Масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, давлат раҳбаримиз Ислом Каримов: **«Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса - бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ»** деб таъкидлайдилар.

Яна бир эътиборли томони шундаки, муҳтарам Президентимиз юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали инсон ва давлат раҳбари сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маънавиятни турли иқтисодий зарбалардан асраб қолишни ўз зиммаларига олганликларидир. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: **«Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни Президент ўз бўйнига олиши керак деб ҳисоблаймиз»**. Ушбу айтилган сўзлар кундалик ҳаётимизда ўз исботини топганлигининг барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Яъни, ўтиш даврида юртимизда

маданият, санъат, адабиёт нафақат иқтисодий зарбадан асраб қолинди, балким оғир аҳволдан чиқиб, юксалиш даражасига кўтарилди. Бундан ташқари, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган, маънавий бойликларни яратишда самарали ҳисса қўшаётган ижод аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш янада кучайтирилди. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: «Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий ва маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир».

Жамият маънавий ҳаётининг танчи бўлган ижодкор зиёлиларга, жумладан илм – фан, санъат ва маданият, касб ҳунар аҳлига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижоди, изланишлари, муаммо ва ўй-ташвишларидан бохабар бўлиш, халқ маънавиятини юксалтириш давлатимиз раҳбарининг фаолиятларида доимо энг муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва келмоқда.

**«Мухтарам Ислом Абдуғаниевич! - деб ёзади Ўзбекистон академик рус драма театри жамоаси - Сизнинг ижодкор зиёлилар тўғрисидаги улкан ғамхўрлигингизни биз доимо сезиб турибмиз. Ўзбекистон академик рус драма театрининг янги мухташам биноти бу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси. Театрнинг асосий вазифаси маънавиятни ривожлантириш, кенг халқ оммасини жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд этишдир. Бизнинг ижодий жамоамиз мана шу юксак вазифани бажариш учун барча имконият – жаҳон андозаларига мос келувчи ажойиб техника билан жиҳозланган сахна, театр устахонаси ва ёрдамчи хоналар, санъат ихлосмандлари учун ажойиб залга эга бўлди. Мамлакатда маънавиятни юксалтиришга, жумладан, театр санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани бизни ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга, шу саҳий заминда яшаётган барча миллат ва элатлар тинчлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида янги ижодий муваффақиятларга илҳомлантиради. Сизни ишонтириб айталикки, биз театримизга хос бўлган шонли анъаналарни бундан буён**

**давом эттириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, ўз маҳоратимиз ва истеъдодимиз билан жонажон Ўзбекистоннинг мустақил фикрлайдиган, юксак ахлоқли ва маънавий жиҳатдан бой эркин фуқаросини тарбиялаб камол топтиришга ҳар томонлама кўмаклашаверамиз».**

Эътибор қилиб қаралганда, юртбошимиз ўз фаолиятлари давомида энг оғир ва масъулиятли мажбуриятларни ўз зиммаларига олганликларини кўриш мумкин. Биргина мисол: Президентимиз Ислам Каримов Бош Қомусимизни, яъни мустақил Республикамиз Конституциясини ҳимоя қилиш, унда кўрсатилган нормаларни ҳаётга жорий этиш, барча модда ва талабларга давлат органлари ва фуқаролар томонидан риоя қилинишининг кафиллигини ўз зиммасига олган давлат раҳбаридир. Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциясининг кафили ҳисобланади. **«Конституциянинг кафили»** тушунчаси кўплаб Европа мамлакатлари ва АҚШ конституцияларида қўлланилмаганидек, илгари амалда бўлган совет конституцияларида ҳам ишлатилмаган. Бугунги кунда фахр билан: **«Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакат Конституциянинг ҳақиқий кафили бўлди, унинг нормаларини кундалик ҳаётимизда лозим даражада жорий этилишини таъминлай олди»** деб баралла айта оламиз.

Энди фикримизни айнан раҳбар ва раҳбарлик масъулияти масаласига қаратсак. Бевосита, раҳбар шахс ҳақида фикр юритганда, айтиб ўтиш жойизки, ушбу масала бўйича бизга қадар ҳам жуда кўп фикрлар айтиб ўтилган, улар фаолиятига нисбатан турлича қарашлар бўлган. Лекин, тарих шундан далолат бераптики, айнан юксак маънавийли, инсоф ва диёнатли, мард инсонлар раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор экан. Чунки, айнан шундай фазилатли инсонлар нафақат ўз юрти равнақи ва мамлакати тараққиётига, балким умумжаҳон тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўша олади. Халқпарвар ва адолатпарвар юртбошиси бўлган халқ эса тинч ва осойишта яшаб, фаровон турмуш кечиради. Қолаверса, ҳаётни ўзи буни исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам, тарихда ўтган буюк алломаларнинг кўпчилиги давлат

тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Улар давлат ва жамият, подшо ва раият тўғрисида ёзган асарларида, нуфузли инсоннинг маънавий етуклигига, поклигига, ҳалоллиги ва тўғрилигига асосий эътиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар, олқишлаганлар.

Ушбу масалага ўрта асрларда яшаб ўтган, халқимизнинг буюк алломаси, машҳур файласуф Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам тўхталиб ўтилган. Улуғ аллома давлат бошқарувчи раҳбар шахс 12 та ҳислат-фазилатга эга бўлиши лозимлигига тўхталиб, жумладан **«Раҳбар аввало соғлом, ақлли, хушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фаровонлик ҳам бўлади»**, деб кўрсатган эди. Бугунги кунда Президентимиз Ислоҳ Каримов бу чуқур маъноли таърифларни бугунги тараққиёт талаблари асосида янада ривожлантириб, **«Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айти замонда талабчан бўлиши даркор. Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак. Чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади. Ичиқора одамлар раҳбар бўлолмайди. Юксак лавозимли киши кечиримли бўлиши, билмай хато қилган ходимларга хатолар тузатиш имконини бериши зарур. Иккинчи талаб шуки, раҳбари чинакам юртпарвар, ватанпарвар бўлмаган жойда иш олға силжимади, эл – юрт ташвишини ўз ташвиши, деб қабул қиладиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонгина халқ хурматига лойиқ бўлади»**деб таъкидлайдилар. Ўйлаймизки, ушбу доно фикрлар бугунги кунда ҳам, каттаю- кичик барча кишига, айниқса, ҳозирги мустақиллик шароитида етакчи, раҳбар бўлишдек

масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамларга бевосита тааллуқдир. Чунки, раҳбарлик авваломбор масъулиятдир. Ватан олдидаги, халқ олдидаги масъулиятдир. Ана шу масъулиятни сезган, эл-юрт дардида ёнган, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўядеган, қалби пок инсонларгина етакчи, раҳбар бўлишдек шарафли ва юксак масъулиятни ўз зиммаларига олишга лойиқдирлар. Ана шундагина, улар халқнинг назаридан қолмайдилар ва эл-юрт ўртасида обрў қозонадилар. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Ўзини раҳбар деган инсон одамлар назарида қандай обрў- эътиборга лойиқ эканини доимо сезиб, англаб юриши, у бошқарадиган халқ ҳаёти билан яшаши, ўзига зеб қўймаслик билан бошқаларга ўрнак бўлиши шарт. Ана шундагина бундай раҳбар нафақат ақл- заковати, қатъият ва талабчанлиги билан, балки ўзининг юриш- туриши билан эл-юрт ўртасида обрў қозонади».**

Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жараёнида, айнан Соҳибқирон бобомиз ўзининг юксак ахлоқий сифатлари ва бошқарув илми эгаси эканлиги билан, юқорида айтиб ўтилган талаб ва эҳтиёжларга жавоб беролган давлат арбоби бўлганлигига амин бўлдик. Қолаверса, бу ҳақда шу дамгача ёзилган тарихий, поэтик, драматик, насрий асарларда ул зотнинг бу фазилатлари самимият билан тилга олиб ўтилган. Бу эса, ўз ўрнида барчамизни Амир Темурдек буюк зотнинг авлоди бўлганимизга шукроналар айтишга чорлаб, қалбимизда чуқур ифтихор ва ғурур туйғуларини уйғотади. Зеро, **«Ғурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади.»**

Шу ўринда қуйидаги саволлар туғилади: **Соҳибқирон Амир Темур салтанатида қанақа фазилатларга эга бўлган одам раҳбарлик чопонини кийишга лойиқ бўлган? Ушбу масалага Соҳибқирон бобомизнинг муносабати қандай эди?**

Амир Темур фаолиятини, айниқса, унинг маънавий мероси бўлган «Темур тузуклари»ни ўқиб-ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, : «Ақли расо, соғлом ва сергак, ишбилармон ва тадбиркор, мард ва шижоаткор, сабр -- тоқатли ва талабчан инсон амалдор (мансабдор- раҳбар) бўлиши мумкин».

Амир Темурнинг давлат ишини тўғри ва одилона бошқаришига асос бўладиган маънавий – ахлоқий фазилатлари эса қуйидагилардан иборат бўлган:

Ақли расолик ва зийраклик,

мардлик ва шижоаткорлик,

ишбилармон ва тадбиркорлик,

бағрикенглик, раҳм-шафқатлилик,

кечиримлик,сахийлик,тантилик,

меҳр-муруватлилик, талабчанлик, қаттиққўллик ва бошқалар.

Эътибор қилиб қаралса, Соҳибқирон бобомизга хос бўлган ва мансабдор – амалдорлардан талаб қилинадеган ушбу фазилатлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: **«Талабчанлик, қаттиққўллик, ишни бажариш топширилган кишидан талаб қилиш эса ҳар бир раҳбарнинг энг асосий фазилатидир».**

Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур бошиданоқ бошқарув жиловини ўз қўлида маҳкам ушлаган. Ишончли ва мўътабар бўлган кишиларни салтанат бошқарувига жалб этган. Соҳибқирон фикрига кўра «Салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди». Лекин, улар фаолияти доимо Соҳибқироннинг бевосита қаттиқ назорати остида бўлган. «Ишон, аммо шубҳа қил». Ушбу пур маъноли хикматли сўзлар кўпгина халқлар орасида озгина ўзгаришлар билан кенг тарқалган. (масалан, “доверяй и проверяй”). Амир Темур турли лавозимларга ҳам барча амалдорларни ўзи танлаб, тайинлаган. **«Ҳар ер эл-улусининг табиати ва халқининг мижозларин хотиримга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим»** Бу эса ўз ўрнида Соҳибқирон кучли руҳшунос (психолог) бўлганидан ҳам далолат беради. Амалдорларни танлаш ва тайинлашда кўпроқ қалби пок, мард ва жасур, элпарвар ва ватанпарвар, бошига қилич ўқталганда ҳам тўғри сўзлайдеган асли тозалигига жиддий эътибор қаратилган. Чунки асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадасл (хукмдорига) вафо қилмайди деб ҳисоблаганлар. Бу қандай

лавозим бўлишидан қатъи назар, барча мансабдорларга қўйилган умумий талаб бўлган. Шу билан бир қаторда, ҳар бир амалдорни эгаллаб турган лавозимига қараб алоҳида талаблар қўйиб, зарур кўрсатмалар ҳам берганлар. Лекин вазирларни танлашда ўта хушёрлик билан фикр юритиб, уларни тўрт сифатга эга бўлишлигини алоҳида таъкидлаганлар. «Биринчиси-асиллик ва тоза наслик, иккинчиси-ақл - фаросатлилиқ, учинчиси-сипоҳу - раият (халқ) аҳволдан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалиқ, тўртинчиси-сабр чидамлилиқ ва тинчликсеварлик». (Темур тузуклари). Эътиборли томони шундаки, ушбу сифатларни ўзида мужассам этган вазирга юксак ишонч билдирилиб, фаолият юргизиши учун Соҳибқирон томонидан барча қулай имкониятлар яратиб берилган. Бу ҳақда Темур тузукларида батафсил айтиб ўтилган. Жумладан, Вазирни танлаш тузуги, амирлик ва ҳукмдорлик тузуги ва бошқалар. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқирон мамлакатда бўлмаган пайтларда кўпгина амалдорлар унинг ишончини суистеъмол қилмасликка ва хатоликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Ироқи Ажам ва Форсда шуҳрат топган олим Муиниддин Натанзий ўзининг «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний, яъни Муинийнинг танланган тарихлари» асарида бу борада шундай ёзиб қолдирган: **«Агар Амир Соҳибқирон Машрикқа ё Мағрибга , ёки ернинг нариги чеккаси томон отланса ва бирон кимсани ўз пойтахтида ноиб сифатида қўйиб кетса, олий ҳазратнинг ўзи турган вақт ва ўрнига ноиб идора қилган пайтдаги аҳвол ўртасида қилчалиқ ҳам фарқ бўлмасди».**

Яна бир эътиборни тортадеган томони шундаки, Соҳибқирон талабларига тўлиқ жавоб берадеган ва ўз вазифасини сидку дилдан бажарган амалдор ва хизматчилар ўз вақтида ҳам моддий ва ҳам маънавий рағбатлантириб турилган. Ҳақиқатдан ҳам, Соҳибқирон қўли очик инсон бўлиб, ўз даврида сахийликда унга тенг келадиган ҳукмдорни ўзи бўлмаган. Шунинг учун ҳам, халқ орасида Амир Темурнинг сахийлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар ёзиб қолдирилган. Зеро, ҳар қандай ривоят замирида маълум ҳақиқат ётади . **« Қўл остимизга ўн тўрт мамлакат раияти (халқи) жам бўлганда-**

дейди Соҳибқирон-Самарқандга келиб катта тўю-томошалар бердик. Зиёфатларга яқин йирокдин барчани чорладик. Одамлар кўп кунлар тўкин дастурхон атрофида бўлишиб, тўйгунча еб-ичишди. Зиёфатга келганларнинг бариси шодумон эрди. Зиёфатлар тугади. Келганларни янада хурсанд этмоқ ниятида (рўзғорига, бола чақасига яратар деган умидда) хар меҳмонга бир бошдан ҳисори қўй тухфа этмоқни буюрдим. Баковуллар хар кишига қўй тутқазиб, жўнатаверишди. Бехос, хаёл олди: меҳмонларим ростдан-да мамнунмикин? Усти бошимни ўзгартириб, зиёфатдан қайтаётган одамлар тўдасига кирдим. Йўлда одамлар куйманишар, дала-даштда ўсган қўйларни судраб, уддасидан чиқолмас эрди. Айниқса, беш-олти пудли ҳисори қўчқорни етаклаб олган киши қўйни ҳарчанд тортмасин, ўрнидан қўзгатолмас эрди. Шунда ул киши тутоқиб деди: «Қўйни-ку беришга бердинг, бир қулоч арқонни қизғаниб нима қилардинг. Бир қулоч арқон билан бойиб қолармидинг, эй подшоҳи зикна ... Бу кишини фикрига қўшилганлар бўлди. Шунда эл кўнглини, одамлар кўнглини олмоқ нақадар мушкул эканини англадим. Кейин ушбу сабоқдин хулоса олиб, нуқсонларга асло йўл қўймаслик тадбирини кўрдим»

Ушбу ҳикоят орқали Соҳибқироннинг нақадар сахийлиги ва эътиборлилиги намоён бўлса, иккинчи томондан, турли миллат ва элатлардан ташкил топган (кўп миллатли) ва турли эътиқоддаги халқларни бирлаштириш ва бошқариш, уларни кўнглини олиш нақадар нозик ва мураккаб иш эканлигига, аниқроғи осон эмаслигига амин бўламиз. Албатта, шундай улкан ва қудратли салтанатни бошқариш учун салтанат (давлат) эгасидан кучли ақли-идрок, сабр-бардош ва талабчанлик, қолаверса қаттиққўллик ҳам талаб этилган. Бевосита Соҳибқирон мисолида айтадеган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам у давлат ва халқ манфаати йўлида ниҳоятда қаттиққўл, шахсий ҳаётда юксак инсонпарварлик фазилатига эга бўлган ҳукмдор эди. Айнан, Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги қаттиққўллиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиб ўтиш жоизки, қаттиққўллик улуғ бобокалонимизга адолат қарор топиши, халқнинг

тинчлиги ва салтанат равнақи учун керак бўлган. Бу борада Амир Темур шундай фикр билдиради: «Ўғирлик, талончилик, зўравонлик иллатларига қаттиққўллик билан болта урилмаса, мулойиммижозлик билан кутилган натижага эришиб бўлмайди».

Жумладан, Амир Темурнинг «Гоҳ қаттиққўллик билан, гоҳида мулойимлик билан иш тут»- (рус тилида – “Когда надо будь требовательным и строгим, когда надо – мягким и нежным”) деган ўгити юқорида келтирилган фикрларимизга яққол далил бўла олади (Изоҳ: :-ўзбек тилидаги “қаттиққўллик” сўзининг маъноси рус тилидаги “требовательность” ва строгость” тушунчаларига мос келади). Шу ўринда давлат ва жамият бошқарувида қаттиққўллик ва талабчанликни қўллаш борасида куйидаги мантиқий мулоҳазаларимизни кўриб чиқишни, жамият ва табиатдаги жараёнлар мисолида фалсафий таҳлил этишни лозим, деб топдик. Бизнинг фикримизча: Жамиятда - оила жамиятнинг бир бўлаги, деб қарайдиган бўлсак, оилада фарзанд тарбиясида қаттиққўллик ва талабчанлик қилинмаса, бу оилада ота-онанинг кадр-қиймати, ҳурмати бўлмайди, фарзандлар хулқида эса жамият ва табиатга нисбатан салбий муносабат шаклланади. Улар кўп ҳолларда дангаса, виждонсиз ва ўзгалар ҳаққига хиёнат қиладиган шахс бўлиб вояга етишади. Албатта, бундан оила ҳам, жамият ҳам азият чекади. (Ер бузилса — дехқон, бола бузилса - ота-она уялади.)

Давлат ва жамият бошқарувида қаттиққўллик ва талабчанлик қилинмаса, бу давлатда тартиб-интизом бўлмайди, юрт тинчлиги ва осойишталигига путур етади. У халқни бошқаришда ва кўзланган мақсадга эришишда қийинчилик вужудга келади. Албатта, халқнинг ёмони бўлмайди. Лекин, халқнинг ичида пок ниятли яхши инсонлар қаторида, ёмон иллатларга гирифтор бўлган, тарбияси ва нияти бузуқ инсонлар ҳам учраб турадики, уларни тўғри йўлга бошқариш ва яхшиликка йўналтириш учун баъзида қаттиққўллик қилишга тўғри келади. (Изоҳ: айниқса ўтиш даврида)

Экилган ниҳол ўз вақтида боғбон томонидан тартибга солиб турилмаса, ёввойилашиб кетади, баъзан мева ҳам бермайди, ҳосил тўкса, меваси тахир

бўлади.(Яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади.)  
Мантиқан хулоса қиладиган бўлсак, оилада ҳам, давлат ва жамият бошқарувида ҳам қаттиққўллик ва талабчанлик адолат қарор топишида муҳим омил ҳисобланади. Адолат нима? Адолат инсон ва жамиятни бахтли-саодатли келажақ сари етакловчи йўл. Демак, оилада қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик фарзандларнинг бахтли-саодатли келажаги учун керак бўлса, давлат ва жамиятда қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик халқнинг бахтли-саодатли бўлиши учун керак бўлади.

Демоқчимизки,қаерда тартиб интизом жиловни қўлдан берилса,у оила бўладими, корхона ёки ташкилот бўладими салбий оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.Шу ўринда бир савол туғилади: ўрта асрда шундай қудратли ва улкан давлатни барпо қилишни, турли миллат ва элатлардан таркиб топган халқларни бирлаштиришни ва бошқаришни, қаттиққўлликсиз амалга ошириш мумкинмиди? Албатта, йўқ. Тарихий манбалардан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур Тарағай Баҳодирнинг марказлашган давлати ўз таркибига йигирма етти мамлакатни жумладан, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ажам Ироқи, Форс Ироқи, Туркия, Озорбайжон, Гуржистон, Собиқ Олтин Ўрда (Дашти Қипчоқ, Қрим) ва бошқа мамлакатларни бирлаштирган бўлиб, улар турли эътиқоддаги миллат ва элатлардан иборат бўлган.

Шу ўринда яна бир савол туғилади, қаттиққўллик доимо керакми? Албатта, йўқ. Чунки, оилада фарзандлар улғайгандан кейин қаттиққўлликка эҳтиёж қолмаганидек, давлатда ҳам қонун устуворлигига эришилгандан сўнг қаттиққўлликка эҳтиёж қолмайди. Чунки,бу давлатда аҳолининг қонунга нисбатан ҳурмати шаклланган бўлади. Яъни, экилган ва яхши парвариш қилинган ниҳол, вақти келиб ўзининг ширин мевасини берганидек, оилада ҳам, давлатда ҳам қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик ўзининг ижобий натижасини беради, албатта. Ижобий натижаларга эришмоқ учун эса меъёрни унутмаслик лозим бўлади. Чунки, меъёр ижобий натижаларга эришишнинг асосий ва ўта муҳим шартларидан биридир. Буюк Соҳибқирон бобомизнинг

ютуғи ва ўз даврининг бошқа ҳукмдорлардан фарқли томони ҳам шундаки, у ҳар бир ишда, жумладан, давлат ва жамият бошқарувида ҳам ҳаттоки муомалада ҳам меъёр бўлишига эришган ва қўл остидаги амалдорлардан ҳам шуни талаб қилган.

**«Доно вазир шулдирки, – дейди Соҳибқирон, – ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради. Салтанат ишларини сабр –тоқат, чидам билан адо этади, муаммоларни ўз ўрнида қаттиққўллик, ўз ўрнида мулойимлик билан ҳал қилади».**

Маълумки, ривоятлар халқ ижодининг маҳсулидир. Бир ривоятга кўра, Соҳибқирон икки амалдорни ўз хузурига чақириб, биринчисига шундай дейди: «Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим». Шу онда у «Олампаноҳ--- мени ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб, мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики, мендан кўнлингиз қолди? » деб хайрон бўлганида, мана шу жавобни олган экан: «Тўғри, ўз вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманлик ва ғўддайишга берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Ўтган жумада масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай, салом бермай, гердайиб ўтиб кетибсиз. Шу тарзда қабристонни ҳам босиб ўтибсиз. Бизга тирикни ҳам, ўликни ҳам бирдай оёқости қилувчи амалдорнинг кераги йўқ. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг

сизни эътибордан қолдирмаймиз, албатта! » Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: «Сизни муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам мансабингиздан бўшатилиндингиз». Кўриниб турибдики, иккала мансабдор ҳам ўз фаолиятида меъёрни унутганлиги учун, яъни бири ҳаддидан ошганлиги, иккинчиси сустлиги учун ҳам ўз мансабидан четлатилган.

Гуруч курмаксиз бўлмайдиганларидек, Соҳибқирон салтанатида ҳам билиб-билмай хатоларга йўл қўйган, ўз мансаб вазифасини суистеъмол қилган амалдорлар ҳам учраб турган. Ўрнатилган тартибга кўра, бундай амалдорлар ўз вақтида салтанатда мавжуд қонун асосида жазоланганлар. Бу борада «Темур тузуклари»да шундай дейилади: **«Доруғалар ва ҳокимлар халққа зулм қилиб, уни ҳароб қилган бўлса, қилмишларига яраша жазоланиши керак»**. Кўриниб турибдики, Амир Темур салтанатида қонун устувор бўлиб, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаган, қонун олдида эса барча баробар бўлган. Мабодо, бу тартиб бузилса, масъул амалдорларни ўзи ҳам сўзсиз жазоланган. Чунки, қонун амалдорлар томонидан бузилса, давлат обрўсизланиб, раиятнинг (халқнинг) қонунга ва давлатга бўлган ишончи йўқолади деб қаралган. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқироннинг халқ ўртасида обрў-эътибори ҳам, мамлакат қудрати ҳам йилдан-йилга ошиб борган. Гапимиз, куруқ бўлиб қолмаслиги учун, Амир Темур саройида анча вақт давомида яшаган, унинг юритаётган сиёсатидан ва халқимиз маданиятидан қисман бохабар бўлган испаниялик элчи ва тарихчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат» асаридан куйидаги мисолни келтиришни лозим топдик: **«Темурбек олти йил ўн бир ой бўлмаган вақтда ўз ўрнига Самарқандга ўзи билган, ишонган обрўли кишини ҳоким этиб тайинлаб кетганди. Шу вақтлар мобайнида бу киши Темурбекнинг ишончидан фойдаланиб, ўз лавозимини суистеъмол қилган, кўп хатоликларга йўл қўйган. Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келиши биланоқ, бу кишини олдига чақириб, мол мулкани мусодара қилди. Ўзига эса жазо тайинлади...»** Таъкидлаб ўтиш жойизки, Соҳибқирон Амир Темур

ҳукми қаттиқ, лекин адолатли бўлган.

Энди, яна бир саволга жавоб излаймиз, « **Қандай одамлар Соҳибқирон кўнглидан жой тополмаган? ёки Қандай одамларни (айниқса амалдорларни) Соҳибқирон хуш кўрмаган (ёқтирмаган) ва нима учун? »**

Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти оид асарларни синчиклаб ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, ғаразгўй, бузуқи, ҳасадгўй, пасткаш ва разил одамлар Соҳибқирон кўнглидан жой тополмаган. Буюк Соҳибқирон фикрича, бу тоифа одамлар кўп ҳолларда ё кўролмаслик ёки таъмагирлик билан ёлғон тўқиб, уни чиндай кўрсатиб, шу орқали давлат душманларини яхшилаб, тоза қалбли, пок инсонларни ёмонлаб, уларнинг ҳаётига зомин бўладилар. Энг ачинарлиси, улар ўзларининг бу разил ҳаракатлари билан салтанат кўрғонига ҳам путур етказадилар. Соҳибқирон ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, қуйидаги воқеани баён этадилар: **«Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ, эътиборли амирларимдан саналган амир Аббосга ҳасад қилиб, душманлик кўргизиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини аланглатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида амир Аббосни ўлимга маҳкум этдим. Охир – оқибатда уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат этганларини англадим ва қилган ишимдан ўкиниб, пушаймон бўлдим. Шу воқеадан сўнг Соҳибқирон бобомиз қаттиқ надомат ила афсусланиб, ҳасадгуй ва ғийбатчи одамларни ёнларига йўлаттирмайдеган бўлдилар. «Бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим».** Кўриниб турибдики, Темур тузукларида келтирилган ушбу ўғит ва насиҳатлар орқали, улуғ бобокалонимиз ўз авлодларини бу тоифа одамлардан сақланишга, бундай кимсалардан йироқ юришга чақирган. (Амир Темурнинг бу маслаҳат ва ўғитлари бугунги кунда ҳам барча масъулиятли лавозимларда фаолият юритаётган раҳбар ходимларга сабоқ беради деб ўйлаймиз.) Бундан ташқари, Соҳибқирон ўз қадри - қимматини, виждонини, ор-номусини ва ғурурини сақлай олмайдиган қул табиатли (лаганбардор-хушомадгуй---К.С) амалдорларни ёқтирмаган. Уларга

давлатнинг энг хавfli душманлари сифатида қараган. Чунки, улар ўзларининг ожизлиги ва журъатсизлиги орқасида иккиюзламачилик билан иш юритиб, кези келганда ўз ҳукмдорига, ҳатто ватанига ҳам хиёнат қилишдан тоймайди деб ҳисоблаганлар. Бундан қарийиб етти аср олдин Соҳибқирон томонидан амалдор -- мансабдорларга қўйилган ушбу талаблар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин: **«Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлақо тўғри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгуй, ҳар қандай топшириққа ҳам ўйламасдан «лаббай» деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ. Икки қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо этувчи «мулозим»ларнинг замони ўтди. Бугун уларни Президент эмас, замон қабул қилмайди. Яна такрорлаб айтаман: замон уларни қабул қила олмайди. Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқарашини кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини шахсий манфаатидан устун қўядиганлар, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди. Қани энди шундай мардлар юртимизда кўп бўлса! »**

## ОВРЎПО ХАЛОСКОРИ

«Темур тузуклари» ва бошқа кўпгина тарихий манбаларда ёзилишича, улуғ бобокалонимиз жасур ва мард, ишбилармон ва тадбиркор, шижоатли кишиларга ўзгача назар билан қараган. Чунки, Соҳибқирон ўз ҳаётий тажрибаларига таяниб, бундай фазилатларга эга бўлган кишилар халқ оммасининг ҳурматига сазовор бўлади, бу салтанат эса ҳар тарафлама қудратли ва мустаҳкам бўлади деб ҳисоблаган. Бу ҳақда ўз тузукларида шундай деб баён қилади: **«Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик**

ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидур» ёки «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди». Тарихчи ибн Арабшоҳ ҳам ушбу масалага тўхталиб шундай дейди: «Темур қўрқмас, шижоатли,ботир кишиларни итоат қилдирувчи бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди».

Нима учун? Чунки,Соҳибқироннинг ўзи тадбиркор ва ишбилармон, довюрак ва мард давлат арбоби эди. Масалан, ғарб ва шарқда яшаб ўтган жуда кўп таниқли саркардалар кучсизланиб, тарқоқликка юз тутган мамлакатларни фатҳ қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар, Амир Темур аксинча, қудратли ҳарбий кучга эга бўлган, моддий томондан ўзини кучли ҳисоблаган, лекин маънавий томондан парокондаликка йўлиққан,яъни жабр зулм,фисқу-фасод ва бузуқчилик кучайган мамлакатларни фатҳ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. (Тўхтамишхон, Йилдирим Боязид ва шунга ўхшаш ҳукмдорлар билан бўлиб ўтган тарихий воқеалар бунинг яққол далилидир.) Бир сўз билан айтганда,қаерда адолат мезонлари бузилган бўлса,ўша мамлакатда Соҳибқирон байроғи хилпираган.Бу борада Темур тузукларида шундай дейилган: « **Бирон мамлакатда жабр –зулм ва фисқу –фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатишиб, фисқу –фасодни, жабр – зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлаши лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золимнинг қўлидан олиб, одил (подшоҳ)га топширади.Чунончи, мен Мовароуннаҳр вилоятида адолат ўрнатиш ниятида уни золим мўғуллар тоифасининг қўлидан тортиб олдим».**

Ҳарбий юришлар масаласига тўхталадиган бўлсак, Амир Темур узоқ йиллар ҳарбий юришлар қилганлиги рост, бироқ уларнинг босқинчилик уруши деб айтилгани ва ёзилгани ёлғон. Маълумки, мустабид тузум даврида Соҳибқирон ҳарбий юришлари «босқинчилик, истилочилик» урушлари деб онгимизга сингдириб келинган эди. Ваҳоланки, айнан шу даврда дунё Амир Темурни ҳарбий юришларини халоскорлик ва « Футухот» ( очиш, кашф этиш)

деб баҳолаб келган. Мустақилликка эришишимизга қадар ҳам, Соҳибқироннинг босқинчи ва истилочи эмаслигини, бу фикрлар хато эканлигини кўпчилик билган, лекин айтишга журъат этолмаган. Чунки, мамлакатда кўрқув девори ўрнатилган бўлиб, ҳақиқатни айтганлар тазийиққа учраган. Биргина мисол: мустабид тузумда яшаб ижод этган таниқли ўзбек олими, марҳум академик Иброҳим Мўминов Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни ёзганлиги учун тазийиққа учраган. Чунки, Иброҳим Мўминов ушбу рисоласи билан ҳукмрон шўро мафкурасининг улуғ аждодимиз Амир Темур ҳақидаги қарашларига қаршатиқ зарба берган эди. Шунинг учун ҳам, унинг Соҳибқирон фаолиятига бағишланган рисоласи сотувдан йиғиб олинди, уни сотиш таъқиқланган. Албатта, ҳурматли олимимиз, бу илмий холислиги бошига кўп ташвишу-маломатлар келтиришини яхши билган. Аммо олимлик салоҳияти, халқининг ўтмишига қилинган бўҳтонга муросасизлик ҳисси ва илмий ҳалолликка асосланган олимлик бурчи уни ана шундай жасоратга қўл уришга ундагани аниқ.

---

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мустабид тузум даврида нафақат бизнинг юртимизда, балким бизга қўшни республикаларда ҳам кўрқув девори қад кўтарган эди. Бу эса ўз ўрнида, аксарият одамларни ҳеч истизносиз кўрқоқ ва бўйсунувчан қилиб қўйган эди. Оллоҳга шукрки, мустақиллик шарофати ва Президентимиз Ислам Каримовнинг саъй ҳаракатлари билан бу кўрқув девори емириб ташланди. Ҳар ким ўз фикрини эмин - эркин ифодалайдеган бўлди. Қолаверса, бу қонун йўли билан ҳам муҳрлаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра, « Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. « Бу эса ўз ўрнида, Соҳибқирон бобомиз ҳақида ҳам бор ҳақиқатни айтиш ва ўз фикр –мулоҳазаларимизни эркин баён этиш имкониятини берди. Энди, бемалол бор ҳақиқатни, яъни Амир Темурни ҳарбий юришларини «босқинчилик, истилочилик» урушлари эмас, балким озодлик ва халоскорлик урушлари бўлган деб айта оламиз. Нафақат айта оламиз, балким аниқ тарихий далиллар (фактлар) орқали исботлаймиз ҳам. «Футухот» билан «Истило» ўртасидаги

кескин фарқни эса таниқли ўзбек олими профессор Бегали Қосимов жуда тушунарли қилиб очиб берган: **«Истило - яғмодир. Миллатни бузмок, мамлакатни тўзғиттирмокдир. Миллати маҳкуманинг моддий бойлиги-гагина эмас, маданиятига, тилига, дин-диёнатига, турмуш тарзига ҳам тажовуз қилмокдир...Амир Темур мағлуб миллатнинг маънавиятига дахл қилган эмас. Аксинча, уларга равнақ берган. Буни Араб, Ҳинд, Эрон мисолида кўриш мумкин».**

Энди фикримизни уруш ва урушлар тарихига қаратадиган бўлсак, «урушнинг номи ўчсин», дейди халқимиз. Чунончи, ҳар қандай уруш қораланади, аммо уларнинг мазмун —моҳиятига кўра, икки хил —адолатли ва адолатсиз урушлар бўлишини инкор этолмаймиз. Адолатсиз урушлар асосида босқинчилик ҳаракати ётган бўлса, адолатли урушлар асосида озодлик ҳаракати ётади. Шу нуқтаи назардан фикр юритилганда ҳам, Амир Темур олиб борган урушлар адолатли бўлганлигига, унинг замирида эса озодлик, халоскорлик ҳаракати ётганлигига амин бўламиз. Чунки, Соҳибқирон бобомиз ёшлик йиллариданоқ ўз юртини муғул босқинчилари зулмидан озод қилишни, дунёда адолат ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.Ўз фаолиятини ҳам ана шу мақсад сари йўналтириб, нафақат ўз юртини балки, миллати ва диний эътиқоди бошқа бўлган халқларни ҳам муғуллар зулмидан озод бўлишига ёрдам берган. Кимларгадир аччиқ туюлса-да, бу инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Бу фикрларни нафақат биз, балким ўша халқ вакиллари томонидан ҳам эътироф этилаётгани эса қалбимизга улкан ифтихор бахш этиб,фикримиз ва ниятимиз холислигини тасдиқлайди. Бошқирд ёзувчиси Ахияр Ҳакимов ўзининг «Карвон» номли романида Амир Темур Тўхтамишни мағлуб этиши билан бошқирд, татар ва шу минтақада яшайдеган бошқа халқларга озодлик олиб келганини миннатдорлик билан қаламга олган. Бундан ташқари, кўрқоқ ва номард Тўхтамишхонни Соҳибқирон икки марта тор-мор этиб, Русияни Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишини тезлаштирган. (Кўрқоқ ва номард одам эгаси йўқ уйга хужум қилади)

**«(Амир) Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган бу ғалабаси - деб**

ёзган эди А.Ю.Якубовский,---нафақат Ўрта Осиё ва Шарқи-жанубий Оврўпо, балки Русия учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди».Айнан шундай фикрни ўз даврида машҳур рус тарихчиси М.С Соловьёв (1820-1879) ҳам айтган эди. XXI асрга келиб эса, аниқроғи 2004 йилда ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдов Москвада босилган мақоласида бу ҳақда шундай фикр билдиради: **«Куликова майдонидаги жангдан кейин , 100 йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор – мор бўлиб тарих сахнасидадан ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштрокимизсиз озод қилган экан – да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айти ўша зот – кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган “буюк ва шафқатсиз” Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган».**

Бу борада таниқли француз олими Люсьен Кэрэннинг қуйидаги фикрини ҳам келтириш ўринли бўлади: **«Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўқди. Шундан сўнг у ҳеч қачон ўнганмади. Рус князликлари кўп ўтмай озодликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар».** Яна бир эътиборга молик томони шундаки, Амир Темур 1370 йилдаёқ Русь князларини мустамлакачи мўғуллар томонидан жорий қилинган шафқатсиз солиқлардан( жон солиғи, уй солиғи, емхона солиғи ва бошқа солиқлар) озод қилган. Бу эса, ўз ўрнида халқ иқтисодий аҳволининг яхшиланишига олиб келган. Шунинг учун бўлса керак, **Русь князларидан бири ҳурмат тариқасида Амир Темурнинг от устида турган хайкалчасини соф олтиндан ясагирган.**

Шу ўринда Соҳибқирон Темурни халоскор саркарда эканлигини тасдиқлайдиган ва халқимиз қалбига яна бир-бор ғурур ва ифтихор бағишлайдиган тарихий воқеани эслатиб ўтишни лозим топдик. Маълумки, ўз даврида,Туркия султони Йилдирим Боязид дунёда мутлоқ ҳоким бўлишга ҳаракат қилган эди. 1390-1400 йилларда кўпгина ғарб мамлакатлари Боязид билан бўлган жангларда мағлубиятга учраган эди. У ўзининг кучли қўшинлари

билан Болгария, Македония, Венгрия давлатларини босиб олиб, Греция ерларигача етиб келган ва Европа мамлакатларини жиддий хавф остида қолдирган эди. Ғарб давлатлари ҳукмдорлари Йилдирим Боязидга бас келадиган Амир Темурдан бошқа қудратли куч йўқ эканлигини чуқур англаб, ёрдам сўраб ўз элчиларини буюк Соҳибқирон саройига юбордилар. Тарихий манбалардан маълумки, адолат бузилган, зулм кучайган жойдан ким ёрдам сўраб келса, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъий назар Соҳибқирон унга ёрдам қўлини чўзган. Бу эса, ўз ўрнида Амир Темурнинг адолатпарвар ва бағрикенг ҳукмдор ва заковатли инсон бўлганлигини яна бир бора тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам, англиялик темуршунос олима Хильда Хукхэм ўзининг «Етти иқлим султони» асарида Амир Темурни Европа осмонида порлаган умид юлдузига қиёслайди: **«Оврўпо осмони узра умид юлдузи чарақлай бошлади. Шарқдан усмонли турклар мулки томон ўзининг беҳисоб сувори лашкарини бошлаб, заковатли инсон моҳир шатранжи, малакали дин пешвоси ва атоқли саркарда Темур яқинлашиб келарди».**

Ушбу жангнинг бошланиш сабаблари ва сабабчиси, Соҳибқироннинг урушнинг олдини олишга қаратилган сиёсати ва бу борада қўллаган тадбирлари, дипломатик ёзишмалари тўғрисида кўпгина манбаларда баён этилган. Шунинг учун ҳам, бу масалага тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз. Бир сўз билан айтганда, 1402 йил 20 июнда Боязид Йилдирим қўшинлари билан Амир Темур қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг Соҳибқироннинг мутлақ ғалабаси билан якунланади. Бу ғалаба эса, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлайди. Миннатдорчилик тариқасида Францияда Амир Темурга олтиндан ҳайкал қўйилиши ва унинг остига **«Оврўпонинг ҳалоскорига»** деб ёзилиши ҳам Соҳибқироннинг босқинчи эмас, балки халоскор ҳукмдор бўлганлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, бу кўз юмиб инкор этиб бўлмайдиган — тарихий ҳақиқатидир.

## ДАРҲОН МОМОНИНГ ТАНБЕҲИ

Баъзи бир мақолаларда «Амир Темур ўзи билибми-билмасдан ундоқ қилган –бундоқ қилган » деган сўзларни учратиб қоламиз. Бу- хато. Буни англаб етиш учун «Темур тузуклари»ни, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганишни тавсия қиламиз. «Бир ишга киришмай туриб, ундан кутулиб чиқиш йўлларини белгилаб қўй»ган инсон билиб билмасдан ҳаракат қилиши мумкинми? Албатта, йўқ. Чунки, Амир Темурдек ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни жо қилган инсон билмасдан, ўйламасдан, маслаҳат қилмасдан, кўр- кўрона бирор-бир ишга қўл урмаган. Ҳар бир масалани чуқур мулоҳаза қилиб, ўзининг маънавий пирлари, ишонган амалдорлари, ҳаттоки фарзандлари ва суюкли завжаси (рафиқаси- Сароймулкхоним) билан ҳам маслаҳатлашиб, уларни фикрини ва маслаҳатини ҳам олган.

Бир сўз билан айтганда, Ватан равнақи, эл-юрт манфаати йўлида фойдаси тегадеган ҳар бир фикр ва маслаҳат Соҳибқирон эътиборидан четда қолмаган. Барча фикр ва маслаҳатларни ақл тарозисидан ўтказиб, ўз хулосасига кўра иш тутган. Бу ҳам доноликнинг бир кўринишидир. Бу борада «Темур тузуклари»да шундай дейилади: **«Подшоҳ салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин, лекин қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин»**. Қолаверса, Соҳибқирон доимо етти ўлчаб бир кесадеган, гапини устидан чиқадеган, узокни кўра оладеган мард, доно ва зукко давлат арбоби сифатида нафақат ўз даврида, балким етти асрдан буён дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Бу ҳам инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Бибихоним каби оқила, зукко аёлларимизнинг сиёсий жиҳатдан билимдон ва фаоллигига гувоҳ бўламиз. Сароймулкхоним нафақат Темур фарзандлари ва невараларининг меҳрибон тарбиячиси, балки бунёдкор ва яратувчи малика тимсоли ҳамдир. Қолаверса, Сароймулкхонимнинг мушкул вазиятларда Соҳибқиронни

доно маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлагани ўша даврда европалик элчи Клавихо томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ривоят қилишларича, **Амир Темур фотихлик юришларининг бирида лашкарининг ахволи танг бўлган бир вақтда, Соҳибқирон суюкли завжаси (хотини) Сароймулкхоним-Бибихонимдан маслаҳат сўраб, чопар орқали Самарқандга хат жўнатади. Соҳибқирон ушбу хатда маблағ тугаганлигини ва аскарларга маош тўлаши учун салтанат ғазнасида маблағ юборилишини сўрайди. Бибихоним ҳазратга шундай жавоб ёзган экан: «Маблағингиз тугабди, сиёсатингиз ҳам тугадими?». Соҳибқирон бу тагдор гапни мулоҳаза қилиб кўриб, шундай йўл тутибди: хайвон суякларини турлича шаклларда қирқтириб, уларга муҳр босибди-да, пул ўрнида навқарларга тарқатибди. Кейинчалик катта бойликка эга бўлишгач суякларнинг қиймати алмаштириб берилибди.(Манбалардан маълумки, Чингизхон қўшинлари маош олмаган, Соҳибқирон қўшинлари ойлик маош олиб турганлар.)**

Шу ўринда айтиб ўтиш жойизки, Амир Темур нафақат сарой маликалари балки, раиятнинг(оддий халқ) оқила аҳли аёлларининг фикрларини инобатга олганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради:

**«Қарши қалъасини забт этолмай, дилга кадар<sup>2</sup> тугиб қайтмоқда эдим. Қизил дарёдан кечиб, бир қишлоққа қўндик. Мен бир кулбани ихтиёр этдим. Унда ушоққина кампир яшар, тирикчилиги ёлғиз эчкидан эркан.**

**Мен момодан бирор овқат қилиб бермоқни ўтгидим. Кўп ўтмай оғоч товоққа сузилган атала дастурхонда пайдо бўлди. Оч эрдим. Оғоч қошиқни товоқдаги аталага тўлдириб, ютоқиб еган эдим, оғзи-тилим куйгандан-куйди.**

**Шунда момо деди:**

- Сен-да Амир Темурга ўхшаш шошқолоқлардан экансан.
- Темурбекнинг шошқолоқлигини қайдин билдингиз, момо, - деб сўрадим.

---

<sup>2</sup>. Изох: кадар – ғам, қайғу, алам, ғурбат.

- Эшитишимча, Амир Темур Қарши қалъасига тик бориб, уни ололмабди. Магарки, аввал қалъа атрофидаги кичик-кичик қишлоқ ва маҳаллаларни эгаллаб, куч тўплаб, сўнг қалъага ҳужум қилмоқ лозим эди. У эса бир йўла бекликни олмоқчи бўлди-ю, шашти синди...Шунга ўхшаш сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб, секин-секин ялаб кўради, совуганини билгач, сўнгра қошиқни тўлдириб ейди-да...

**Шунда хатоимни англагандай бўлдим. Ва дедим:**

- Дархон момо, ўшал шошгич Амир Темур мендирман. Танбеҳингизни бош устига олдим. Тиланг тилагингизни...

**Дархон момо одамлар учун ариқ қазиб сув чиқариб беришни сўради. Орадан кўп ўтмай Танқос дарёсидан ариқ қазиб, сув чиқариб бердим».**

«Темур тузуклари»да ёзилишича, буюк бобомиз Амир Темур ўзи барпо этган бепоён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла мутасадди шахслари, яъни оқсоқолларига ҳам таяниб, улар билан яқин мулоқотда, доимий машваратда, маслаҳатда бўлган. Уларнинг фаолиятини бевосита қўллаб-қувватлаган, моддий ва маънавий рағбатлантириб турган. Бу борада, «Темур тузуклари»да шундай дейилади: **« Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим».**

Юқоридаги фикрлардан шуни кўришимиз мумкинки, Амир Темур давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчилик фикрига жиддий эътибор қаратган. Бу эса – тенгсизлик ҳукм сурган бир даврда демократияга хос хусусиятларни Соҳибқирон давлат бошқарувида амал қилганидан далолат беради. Тарихий манбалардан маълумки, буюк Соҳибқирон давлат бошқарувида Кенгаш ва Машваратга катта эътибор қаратиб, ўзининг бутун умри давомида давлатни бошқаришнинг ана шу икки демократик бошқариш услубидан самарали фойдаланган. (изоҳ: Кенгаш – бу яқин ва ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш. Машварат – диний ва дунёвий давлатчилик ишларини муҳокама

қилиш учун олиму, уламо фузало, шайх машойихлар, вузаро, умаро ва бошқа аркони давлат вакиллари тўплаб қилинадиган йиғилиш.)

**«Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса-да, – дейди Соҳибқирон, «Тузуқларида» - ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим».**

Демак, Соҳибқирон давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш ва, кези келганда, инобатга олиш хато қилмасликда ва ижобий натижаларга эришишда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаган. Амир Темурнинг ана шу демократик бошқариш услуби, бугунги кунда ҳам кўпгина давлатларда, шу жумладан навқирон Ўзбекистонда ҳам бугунги тараққиёт талаблари асосида янада ривожлантирилган ҳолда қўлланиб келинмоқда. Буни биргина Бош Қомусимизнинг қабул қилиниши жарёни мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқларнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг 1992 йил 8 – декабрда қабул қилинган ва умумхалқ муҳокамасидан ўтган Бош Қомусимиз умуминсоний ғоялар: --- тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим ва эътиборли томони шундан иборатки – у «халқчил қомусдир». Чунки унинг лойиҳаси устида икки йил ишланиб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтган. Яъни юртимизда яшаётган барча фуқароларнинг фикр мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олинган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: **«Шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди ва сайқал топди».**

Маълумотларга назар ташласак, кенг жамоатчилик томонидан келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетганлигини гувоҳи бўламиз. Эътиборли томони шундаки, Президентимиз ўша таҳликали ва мураккаб даврда ҳам Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилишга ва жамоатчиликдан келиб тушган

таклифлар билан шахсан танишишга фурсат ажратганлар. Бу ҳақда Конституциявий комиссиянинг аъзоси, академик Ш.З. Ўразаев шундай фикр ёзиб қолдирган: **«Президентимиз шундай ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз кўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатарди».**

## **СУЛТОНИА ЕПИСКОПИНИНГ ЭЪТИРОФИ**

Маълумки, Амир Темурнинг қандай шахс ва давлат арбоби бўлганлиги, ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, салтанат тараққиёти йўлида амалга оширган ислохотлари борасида унинг замондошлари ҳам, кейинги давр олимлари ва сиёсатчилари ҳам ўз фикрларини баён айтганлар. Энди ана шу фикрлар таҳлили билан яқиндан танишишни лозим деб топдик. Амир Темурнинг замондоши Ҳофиз Аbru томонидан Соҳибқиронга берилган қуйидаги фикрга эътиборингизни қаратамиз: **«Ҳокимиятни қўлга олган Амир Темур юртни обод қилишга, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга киришди. Аввало мамлакат пойтахти Самарқандни қайта тиклади. Темур лойдан бўлган Самарқандни қайтадан тошдан қурди».** Албатта, бугунги кунда ҳам мамлакатимиз ҳудудида жойлашган тарихий шаҳарлар, гўзал тарихий обидаларга назар ташласак, уларнинг кўпчилиги айнан Амир Темур даврида вужудга келганига амин бўламиз. Самарқанддаги Бибиҳоним Жоме Масжиди, Шохизинда меъморий ёдгорлиги, Гўри Амир мақбараси каби бир

қанча монументал иншоотлар айнан Амир Темур даврида бунёд этилган тарихий ёдгорликлар бўлиб, ўзининг жозибадорлиги ва гўзаллиги билан ўша даврдаги меъморлар ва усталарнинг юксак дидидан дарак бериб турибди.

Ҳақиқатдан ҳам, Соҳибқирон Самарқандда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларига жуда катта эътибор қаратган. Кўпгина қурилиш ишларида шахсан ўзи бош – қош бўлган. Жумладан, Самарқанд шаҳри кўчаларини кенгайтириб, бозорларни тартибга солган, савдо дўконлари қурдириб, савдо – сотиқни ривожлантирган. Кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган. Янги ерлар очиш, боғу-роғлар яратиш каби тарихий тадбирларни амалга оширган. Натижада, Самарқанд мўл-кўлчилик, тўқчилик, фаровонлик ҳукм сурган ва гўзалликка бурканган кўркам шаҳарга айланган. Шунинг учун ҳам Шарофуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Соҳибқирон фаолиятига ва у пойтахт қилган азим шаҳар Самарқандга юксак баҳо бериб: **«Тез орада Самарқанд ул динпарвар жаҳондорнинг ҳукмронлиги ва адолати бахтига муяссар бўлиб, ўта ободлиги, аҳоли кўплиги ва келиб кетувчиларнинг маҳлиёлигидан шу даражага етдики, Коҳира рашк либосини Нилга отди»** деб ёзиб қолдирган.

Бу эса ўз ўрнида, Амир Темур Самарқандни ўзининг кўрки ва салобати билан пойтахт талабига жавоб берадиган йирик сиёсий ва маданий марказга айлантирганидан далолат бериб турибди. Шунингдек, Соҳибқирон Самарқанд атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд этиб, уларни ҳавас билан ўша даврда шаҳарлар келинчаги бўлган Миср (Коҳира), Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва марказий шаҳарлар номи билан атаганлиги тарихий манбалардан ҳам маълум.

Давлат раҳбаримиз Ислоҳ Каримов ўз асарларида Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятига тўхталиб: **«Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шахрисабз, Бухоро, Тошкент ва Соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу-роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир»**, деб

таъкидлаганлари, албатта Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Одатда, Темур хазратларининг бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилганда, унинг ватани Мовароуннаҳр ҳудудида, айниқса унга кадрдон бўлган шаҳарлар—Самарқанд ва Шаҳрисабзда олиб борган яратувчанлик ишларига тўхталиб ўтамиз. Ваҳоланки, инсоният тарихида яшаб ўтган баъзи — бир машҳур ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, Соҳибқирон ажодимиз ўзи фатҳ этган мамлакатларда ҳам бунёдкорлик ишларини олиб борган. Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва унинг ташқарисида олиб борган ободонлаштириш, бунёдкорлик фаолияти тўғрисида кўпгина тарихий манбаларда, қолаверса бугунги кунда ёзилган кенг кўламли асарларда ҳам баён этилган. Айниқса, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг асарларида ушбу масала аниқ тарихий манбалар асосида таҳлил қилиб берилган. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: **«Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас... Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озорбойжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган».**

Шу ўринда, Низомиддин Шомий томонидан ёзилган «Зафарнома» асаридан бир мисолни келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Мазкур асарда баён этилишича: **«Амир Соҳибқирон хохладики, ундан жаҳонда подшоҳона асарлар ва ҳисравона ёдгорликлар боқий қолгай, бинобарин Байлақон ерида бир мавзеда шаҳар бино қилишга олий ишорат бўлди».**

Байлақон шаҳрининг бунёд этилиш тархининг тайёрланишидан тортиб, то қурилиш якунига қадар Соҳибқирон бош - қош бўлганлар. Шу ўринда, у зотнинг сўзларини келтиришни лозим топдик.: **«Турон мамлақатида машҳур мавзеларни иморат қилганимиздек, Эрон мамлақатида ҳам биз хазратдан ёдгорликлар қолгай».**

Эътиборли томони шундаки, ушбу шаҳарнинг қурилиши бир ой муддатда якунланган. Ваҳоланки, ўша даврда қуруқ саҳрода бундай улкан ва

кўркам шаҳарнинг қисқа муддатда бино қилиниши бу ақл бовар қилмайдеган иш эди. Фикримизча, бунда ҳам Соҳибқирон бобомизнинг тадбиркорлиги ва ташкилотчилиги муҳим рол ўйнаган. Қолаверса, ўзининг 243 кишиси билан 12 минг ғаним аскарини мағлубиятга учратган улуғ зот учун шаҳар бино этиш, тинчлик олий саодат эди. **«Агар бирор подшоҳ шундай бир мавзени тиклашни хоҳласа, аввал асбоб- ускуналарини тайёрлар эди, агар бир йилда уни битиришга муяссар бўлолмаса, ҳеч ким таажжубда қолмасди. (Амир Темурнинг) шундай қуруқ саҳрода тайёргарлик кўрмасдан, асбобу-олат йиғмасдан, олий бир иморат ва баланд шахристонни барпо этиши бир ой муддатда тамомига етди».**

Соҳибқирон билан юзма-юз учрашган Султония епископи монах Иоанн Гринлонинг Амир Темур ҳақидаги хотираларида ёзилишича, **Темурбекнинг қурдирган қасрлари икки юздан ортиқ бўлиб, Самарқандда 18, Кеш шаҳрида 20, Бағдодда 15, Исфаҳонда 12, Шерозда 7 та қасри бўлган.** Кўриб турибмизки, Амир Темур нафақат ўз ватанида, балки унинг қадами теккан ўзга юртларда ҳам яратувчанлик ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор бериб, халқ турмушини яхшилашга, эл–юрт маъмурчилигини юксалтиришга ҳаракат қилган: «Тарих – бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи, бунёдкорлик билан машғул бўлган».

Ушбу юксак баҳодан кўриниб турибдики, бунёдкорлик Соҳибқироннинг давлатчилик тизимидаги энг муҳим йўналишлардан бири бўлган. Қолаверса, Соҳибқироннинг умрини охиригача ушбу фазилат тарк этмагани тарихий манбалардан ҳам маълум. **Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жойизки, унинг даврида Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва бошқа ҳудудларда бунёд этилган нодир меъморий обидалар ва истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан мамлакатимиз шаҳару- қишлоқларида бунёд этилган ва этилаётган мухташам бинолар, гўзал қошоналар ўзининг маҳобати ва гўзаллиги билан, нафақат Ўзбекистон халқининг, балким мамлакатимизга ташриф**

**буюраётган чет эллик сайёҳларнинг ҳам юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.** Бу эса, ўз ўрнида қалбимизга чуқур ифтихор ва ғурур бағишлайди, албатта.

Муаррих Ҳофизи Аbru ёзишича : «... ҳазрат **Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳумоюн ва саодатли айёмида Мовароуннаҳр ер юзи мамлакатларининг пойтахтига айланди. Жаҳоннинг турли жойларидан олиму фузалолар, муҳандислар ва ҳунармандлар бу ерга оқиб келиб, яшаб ижод эта бошлади**». Айтиб ўтиш жойизки, азалдан олиму фузалолар ва ҳунарманд одамлар (ижодкор ва бунёдкорлар ) ижод қилиш учун қаерда қулай шароит бўлса, шу томонга талпиниб яшаганлар. Демокчимизки, адолатли давлат бошқарувчиси бўлган, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган юртларда ижод қилганлар, бунёд қилганлар. Чунки, уруш, зулм, жаҳолат бор жойда на ижод бўлади на бунёдкорлик. Мисол учун, чингизийлар ҳукмронлиги йилларида иқтисод издан чиққан, савдо сусайган, бошқарув тизими йўқ ҳисобида бўлган. Шунинг учун ҳам, кўплаб нодир ҳунар, санъат ва истеъдод эгалари жон сақлаш ниятида чекка мамлакатларга қочиб кетишга мажбур бўлганлар. Амир Темур давлатида эса, илгариги даврлардан фарқли ўлароқ барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари инобатга олиниб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий замин вужудга келтирилган. Ҳар бир тоифанинг, яъни у хоҳ олим, хоҳ наққош, хоҳ шоир бўладими уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилган. Улар салтанат ғазнасидан моддий рағбатлантириб турилган. Демак, Амир Темур давлатида, хусусан унинг пойтахти бўлмиш Самарқанда ижодкор инсонлар яшаши ва ижод қилиши учун барча моддий-маиший шароитлар яратилган эканки, жаҳоннинг турли жойларидан олиму фузалолар, муҳандислар ва ҳунармандлар бу ерга оқиб кела бошлаган.

Француз олими Лянглэ ҳам Амир Темурнинг илм маърифат алломаларига, соҳиби ҳунармандларга қанчалик ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги тўғрисида шундай дейди: «**Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга**

**ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди».**

Бундан ташқари, Соҳибқирон давлат ва жамият бошқарувидаги фаолиятини илм аҳлининг маънавий кўмагига таянган ҳолда олиб борган. Бу унинг олим-уламоларга қилган мурожаатидан ҳам англаб олиш мумкин: **«Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишларингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳам мендан кўра сизларга аёндр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чоратадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди»** – дейди.

Кўриниб турибдики, Соҳибқирон олиму-уламоларга юксак ишонч билдириб, қудратли давлат барпо этишда уларнинг беқиёс ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Соҳибқирон қайси мамлакатни фатҳ этса, шу ерлик ижодкор аҳлини излаб топдириб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаган. Иззат-хурматини ўз ўрнига қўйган. Бу ҳақда жуда кўплаб тарихий манбаларда ҳам ёзиб қолдирилган. Жумладан, ўша замонда мисрлик машҳур тарихчи Валиуддин Абдурахмон Ибн Халдун Соҳибқирон билан Шом (Сурия) ерларида учрашиб, икки ўртада бўлган машваратда Амир Темурнинг қувваи ҳофизасидан ҳайратланиб: **«Асрлар пешонасига давлатингни тўлин ой мисоли**

**тасвирлардим... Тангри таоллога ҳамдлар бўлғайким, қадримни билатурғон, хизматимни қадрлайтурғон ва иззат-ҳурматимни ўрнига қўятурғон бир кишини менга ато қилди»-** деб шукрона айтгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Амир Темур бобомиз бир умр пок ниятли ва тоза қалбли инсонларга талпиниб яшаган. Уларни суҳбатидан баҳраманд бўлиб, иззат-ҳурматини жойига қўйган. «Темур тузуклари»да бу борада шундай дейилади: **«Саййидлар, уламо, машойих, оқил ва доно кишилар, муҳаддислар ва тарихшуносларни сара ва эътиборли кишилар деб ҳисоблаб, ҳурмат-иззатларини ўрнига қўйдим ... Олимлар билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиниб яшадим».**

Назаримизни ва фикримизни улуғ ўтмишдан бугунги шарофатли кунларга қаратадиган бўлсак, эътироф этиб ўтиш жойизки, бугунги кунда, мустақил Ўзбекистонни жаҳонга танитиш ва дунё миқёсига олиб чиқишда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Чунки, халқаро жамоатчилик юртбошимиз олиб бораётган сиёсат тимсолида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг бугунги ҳаёти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ва ёруғ келажagini кўрмоқда. Таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, оддий инсонларнинг Юртбошимизга йўллаган самимий мактублари ана шундай юксак эътироф ифодасидир. Шу ўринда, ана шундай мактублардан баъзиларини мисол тариқасида келтиришни лозим топдик. 1999 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли ўзбек адабиётшунос олими Озод Шарафиддинов томонидан юртбошимизга ёзилган мактубда шундай дейилади: **«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

**Мен яхши биламан – менга кўрсатилган эъзоз ва эътиборнинг асосий сабабчиси – Сиз!. Бунинг учун ўзим ва оиламиз номидан чексиз миннатдорчилигимизни қабул қилгайсиз. Мен сизни ўн йилдан бери шахсан таниш бахтига мушаррафман. Шу йиллар давомида неча марталаб меҳр муруватингиздан баҳраманд бўлдим, эъзоз- эътиборингиздан бошим осмонга етди. Мен кўп ўйладим – мен юртимизнинг оддий бир заҳматкаш зиёлисман, нима сифатларим борки ёки қандай ишни дўндириб**

қўйибманки, Юртбошимизнинг бундай юксак эътиборига сазовор бўлдим? Кейин амин бўлдим – буларнинг бари Сизнинг элу юртимизга, халқимизга мухаббатингиздан бир нишона экан.

Ахир, Сизнинг мурувватингиздан бахраманд бўлган бир менми? Сиз юзлаб оддий одамларга мактублар йўллайсиз, совғалар юборасиз, турли саналар билан муборакбод қиласиз. Булар оддий одамлар учун бениҳоя қудратли мададдир, бир умрга уларнинг кўнглини тоғдай кўтарадиган эхсондир. Бағрикенглик, саховатпешалик, фуқаронинг пешонасини силаш, унга куч-қувват ва қанот бағишлаш фақат улуғ юртбошиларга хос фазилатдир. Сизни билган йилларимда Сиз кўз ўнгимда йирик давлат арбоби сифатида ҳам янги қирраларингиз билан намоён бўлдингиз. Сиз мустақиллигимизнинг меъморисиз. Мустақиллик туфайли юртимиз дадил ўсиш йўлига қадам қўйди, юртимиз билан бирга эса Сиз ҳам олий иқтидорли сиёсатчи, доно юртбоши сифатида улғайдингиз ва камолотга етдингиз. Афсуски, қисқа мактубда Сизнинг ҳамма фазилатларингизни санаб чиқиш қийин. Лекин бир сифатингизни айтмай иложи йўқ---Сиз бағрикенг, серсаховат бўлишингиз билан бирга жуда довюрак, жуда матонатли инсон экансиз. Ахир, қайси Президент ўзига суиқасд қилинган жойга ярим соат ўтмай етиб бориб, ўша ерда аҳволни таҳлил қила олади ёхуд ўша куннинг ўзида мажлис ўтказа олади?

...Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич! Айтай десам гапим кўп, лекин шундоқ ҳам мактуб чўзилиб кетди. Яна бир карра Сизга чексиз миннатдорлигимни изҳор қиламан. Юртимиз бахтига, биз –зиёлилар бахтига ҳамиша омон бўлинг, бақувват эътиқод ва юксак қатъият билан жонажон Ўзбекистонимизни буюк келажак сари бошлайверинг! »

Энди эътиборингизни яна бир мактубга қаратишни лозим, деб топдик. Маълумки, қўшни Ҳиндистон давлатининг Ҳайдаробод шаҳрида «Ҳиндистондаги Бобурийлар оиласи» деб аталувчи жамоатчилик ташкилоти фаолият кўрсатади. Ўз таркибида Бобур Мирзонинг бугунги авлодларини бирлаштирган мазкур жамиятга Бегим Лайло Уммахони раислик қилади. Жамият халқларимиз

ўртасидаги маданий ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида бир қанча муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бобурийлар жамиятининг раҳбарлари Бегим Лайло Уммахони ва унинг ўғли Зиёвуддин Тусийнинг мамлакатимиз Президенти билан мулоқотлари кенг жамоатчиликка маълум. 1995 йилда Ҳайдарободдан келган ушбу мактубда эса муҳтарам онахон Лайло Уммахони сариқ касалга чалиниб бетоб бўлиб қолган чоғида Президент Ислон Каримов томонидан кўрсатилган моддий мурувват ёрдами учун самимий миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз ва халқимиз хусусида қуйидаги дил сўзларини изҳор қилади: **«Жаноби олийлари! Ассалому алайкум! Хасталикдан сўнг хали тўла қувватга кирмаган бўлсам-да фурсатни ғанимат билиб, Сиз, муҳтарам зотга ушбу мактубни битмоқликка жазм қилдим. Ўзбекистон диёрида ижтимоий, иқтисодий ва фан—техника соҳасида улкан ислохотлар ўтказиб, қисқа муддат ичида уни тараққий этган давлатлар даражасида юксалтиришга бел боғлаган Сиздек заковатли инсонга мактуб йўлламоқ бахтига ноил бўлганимдан беқиёс шодман. Буюк жаҳонгир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг зурриёди сифатида иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган бобурийларнинг бугунги вакиллари бўлмиш хонадонимиз аҳлига кўрсатаётган мадад ва кўмаklarингизни биз ғоят юксак қадрлаймиз. Хусусан, фарзандларимизнинг Ўзбекистонда олий таълим олишлари борасида Ўзбекистон Олий таълим вазирлигига тегишли кўрсатма берганингиздан воқиф бўлиб, беҳад таъсирландим ва Сизга юрак-юрагимдан ташаккур изҳор этаман. Жаноби олийлари, Сизнинг нафақат ҳазрат Бобур шахсиятига, балки унинг зоти-зурриётларига нисбатан ҳам чин эҳтиромли муносабатингиз учун бениҳоят миннатдорман. Яратган Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайманки, ота боболарим юртидаги ҳар бир тош, ҳар бир қум зарраси гуллаб- яшнаган чечакка айлансин ва бу гулзор чаманда элу элатлар, миллатларнинг дўстона ҳамкорлиги қулф урсин. Ишончим комилки, гўзал диёрингизда иқтисодий мушкулотлар барҳам топиб, ҳадемай тараққиёт ва фаровонлик тонги отади ва Сиз, жаноби**

**олийлари бу ҳолга шохид бўласиз.Илоҳим, Жаноби олийлари! Биз ўзбекка хақиқий тараққиёт нима эканлигини англаб етмоқлик ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлмоқлик насиб этсин.Бу замин узра асло жаҳолат ва мутаассибликка ўрин бўлмасин. Келинлар, Ўзбекистонимизни тараққиёт ва фаровонлик тимсолига айлантирайлик. Бунга маънавий – рухий бирлик орқалигина эришмоқ мумкин. Бу улкан вазифани адо этмоқ учун ҳар бир инсон бори-борлигини бағишламоғи лозим. Самимий эҳтиром ила Бегим Лайло Уммахони. Ҳиндистон Республикаси, Хайдаробод шаҳри».**

Ушбу мактубларга изох беришни ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз.

Энди фикримизни яна улуғ Соҳибқирон бобомиз фаолиятига қаратамиз. Баъзи манбаларда, «Амир Темур олиму фузалолар, муҳандислар ва ҳунармандларни Самарқандга мажбуран асир қилиб олиб» келган деган йўсинда асоссиз фикрлар баён қилинади. Ҳаттоки, Амир Темурга хайрихоҳлик руҳида ёзилган инглиз адибаси Хилда Хукхэмнинг «Етти иқлим султони» асарида ҳам шу талқиндаги фикрни учратамиз: «Дамашқ эгалланиши чоғида гўдаклигида асир олинган ва Самарқандга келтирилган ибн Арабшоҳ...» Ваҳоланки, раият аҳволидан доимо огоҳ бўлган, улуғларини ота қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрган инсон гўдакларни асир қилиб олиб кетиши ёки бирор зиён-заҳмат етказиши мантиққа асло тўғри келмайдиган нотўғри фикрдир. Тўғри, «1401 йили Амир Темур Шом(Сурия)ни фатҳ этгач, Дамашқдан жуда кўп олимлар , фозиллар, меъморлар, рассомлар, косиб ва ҳунармандларни Мовароуннахрга олиб кетилган. Шулар жумласидан ўн икки яшар Ибн Арабшоҳ ўз онаси, биродарлари ва баъзи қариндошлари билан Самарқандга олиб кетилганди» Ҳақиқат шундан иборатки,Соҳибқирон қайси мамлакатни фатҳ этган бўлса, ўша жойдаги ижодкор ва бунёдкорларни, олиму уламоларни йиғиб, улар билан суҳбатлашишни, айниқса баҳс - мунозара юритишни жуда ёқтирган.Суҳбатдан ўтганларни, яъни ўзларида катта таассурот қолдирган-ларни ўз саройларига ёки Самарқандга яшаш ва ижод қилиш учун хизматга таклиф қилар,хоҳиши бўлмаса ўз мамлакатларида

қолишга руҳсат этган. Хоҳиш билдирганлари нафақат ўзи, балки оила аъзоларини ҳам олиб кетишига хайрихоҳлик билдирилган ва азим шаҳар Самарқандга юборилган. Асир қилиб олинган банда, оғир ишларга жалб қилиниб, умрини азоб уқубат ва машаққатда ўтказиши барчага маълум. Лекин, ибн Арабшоҳ Соҳибқирон химоясида мадрасада ўқиб таълим олган, ҳаттоки таниқли тарихчи олим бўлиш бахтига муяссар бўлган. Қани мантиқ? Қолаверса, Амир Темурнинг илм, маданият, санъат аҳлига бўлган муносабати ва кўрсатган муруввати тўғрисида ибн Арабшоҳнинг ўзи ҳам кўпгина маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан у ёзади; «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, шарофатли саййидларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамоман муқаддас тутарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, икромни ҳурматини унга изҳор этарди, улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, баҳсидан инсофу хишлат бўларди».

Агар Соҳибқирон мажбурлаб, зўрлаб олиму-фузалоларни олиб келганда эди, мисрлик машҳур аллома Ибн Халдунни олиб келган бўларди. Шу ўринда Соҳибқирон билан ибн Халдун ўртасида бўлган бир мулоқотни келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: **«(Амир)Темурнинг хузурига кирган эдим -- дейди ибн Халдун. – Мендан: -«Мисрга кетасанми»?-деб сўради.-Оллоҳ Сизга мададкор бўлсин! Менинг хоҳишим Сизнинг хизматингизда бўлишдир. Менга бошпана бериб, ўз химоянгизга олдингиз. Агар Мисрга кетишим Сизга хизмат қиладиган бўлса, мен розиман. Агар «йўқ» десангиз унга ҳам розиман. «Майли, ўз одамларинг олдига бор»** деб Соҳибқирон розилик берган эканлар. Нима учун? Айтиб ўтиш жойизки, Амир Темур оз фурсатда инсон билан мулоқот қилиб, унинг қалбидан кечаётган руҳий кечинмаларни сезиш қобилиятига эга бўлган. Соҳибқирон Ибн Халдунни, қалбан юртини ташлаб кетишга хоҳиши йўқлигини, уни хафа қилиб қилиб қўймаслик учун бундай деганлигини сезган. Шунинг учун ҳам, Ибн Халдунни ўз юртида қолишига розилик берганлар, десак ҳақиқатга яқин бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтказганимиздек, ўз даврида Амир Темур шундай

кудратли, озод ва обод давлат барпо қилганки,бу юртда яшаб,ижод қилиш учун одамларни ўзи талпинган. Чунки, салтанатда ижодкор аҳли учун ( қайси соҳа бўлишидан қатъий назар) барча шароитлар муҳайё қилинган. Ҳаттоки, Амир Темур қадами етмаган мамлакатлар халқлари ҳам унинг адолати, мардлиги, халқпарварлиги тўғрисида эшитиб,шу юртда яшашни орзу қилганлар.Айниқса,Самарқандаги тўқинчилик, ободончилик ва арзончилик кўпларни ҳавасини келтирган. Бу ҳақда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг « Самарқандга, Темур саройига қилинган саёҳат кундалигида»да хайратланиб ёзиб қолдиргани кўпчиликка маълумдир.Манбалардан маълумки,Соҳибқирон ўз ҳаётлари давомида кўплаб қалъа-қасрлар, боғу-бўстонлар барпо эттирганлар. Эътиборли томони шундаки , бу боғларда дам олиш ва ундаги мевалардан баҳраманд бўлишлик барча фуқаролар учун текин бўлган.: **«Амир Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд унинг қўшинларию -- ёрдамчиларидан ҳоли бўлиб, бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у бўстонларга қараб йўл олардилар. Чунки, бу боғлардан кўра, яхши ва ажойиб дам оладиган,булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага текин эди. Чунки, мевалардан бир қинтори ҳам арзимаган баҳога бўлса - да сотилмасди».**

Биз яшаётган замин Соҳибқирон даврида ҳам, бугунги ҳам кунда ҳам кўпчиликни ҳавасини келтираётгани айни ҳақиқатдир.Энг асосийси раият деб аталмиш халқ рози бўлган.Шунинг учун ҳам Амир Темур хукмронлиги даврида халқ тинч, осойишта ва фаровон турмуш кечирган.Хўш,халқ учун, инсон учун бундан ортиқ бахт борми дунёда? Шунинг учун ҳам унинг тасарруфида бўлган бирор- бир мамлакатда Соҳибқирон сиёсатига қарши раият томонидан норозилик ҳаракати бўлмаган.Биз тарихий манбаларга мурожаат қилиб, ҳеч қанақа маълумот ололмадик. Бу нимадан далолат беради? Бу Соҳибқироннинг доимо халқ ғамида, унинг манфаати йўлида фаолият юргизганлигидан, раият аҳволидан доимо хабардор бўлганидан далолат беради. **«Темур тузуклари»да ёзилганидек: «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим.**

**Улуғларини ота каторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл-юрт ва шаҳарнинг расму одатлари ва мизождан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир юрт ва шаҳар аҳолисининг улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мизожлари ва табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.»**

Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов келтирган бир ҳикояда Амир Темур мулозимларига қарата шундай деган экан: **«Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ, ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг шу сўзларим ёдингизда бўлсин».**

Соҳибқирон ана шундай, яъни «ўз шоирини излаб юрган ҳукмдор»лар тоифасидан эди.Эътибор қилиб қаралса, Соҳибқироннинг давлат бошқарувида демократиянинг кўпгина хусусиятларини учратиш мумкин.Қолаверса, Соҳибқиронга хос фазилатларни,яъни адолатпарварликни,халқпарварликни, инсонпарварликни бугунги навқирон Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсатда ҳам кўриш мумкин. Буни муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг масъулиятли лавозимларда фаолият юргизаётган раҳбар ходимларга қарата айтган куйидаги сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин: **«Кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволдан хабар олиб туринглар. Айниқса,мухтожларнинг, етим –есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин».**

Бу юртбошимизнинг элу юрт ва халқимизга бўлган меҳр-мурувватларидан бир нишона, холос. Қолаверса, саховатпешалик, меҳр-мурувватлилик, фуқаронинг турмуши ва ҳол аҳволдан хабардор бўлишлик фақат буюк шахсларга хос бўлган фазилатдир.Дарҳақиқат, юртбошимиз ёрдам ва кўмакка мухтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, ижтимоий ҳаётда меҳр-мурувват, саховат ва ўзаро ёрдам масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. Айниқса, эл-юртимизга хизмати синган,ўзининг куч-ғайрати, билим ва истеъдодини Ватанимиз

равнақига бағишлаган кекса авлод вакиллари меҳнатини ҳам муносиб баҳолаш, ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг руҳини кўтариш доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни давлатимиз раҳбарига йўлланган, миннатдорчилик туйғулари акс этган ва дил изҳорлари баён этилган куйидаги мактуб орқали ҳам англаб олиш мумкин: **«Азиз юртбошимиз! --деб ёзади уруш ва меҳнат фахрийси, юртдошимиз Исмат Тошматов-Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Сизнинг номингиздан юборилган байрам совғасини қабул қилар эканман, қалбим тўлқинланиб, кўзларимда қувонч ва ифтихор ёшлари балқиди. Мендек бир уруш ногирони, мўйсафид бир инсонга кўрсатган бундай катта эътиборингиз учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Сизнинг олиб бораётган халқпарвар, доно сиёсатингиз, заҳматли меҳнатингиз туфайли шундай дориломон кунларга етишганимиз учун Оллоҳга шукроналар бўлсин. Биз каби оталарни эъзозлаб, Ватан учун, эл учун жон қуйдириб, тиним билмай меҳнат қилиб келаётганингиз халқимизнинг ардоқли, фидойи фарзанди эканлигингиздандир. Бу йил мен саксон баҳорни қаршиладим. Сизнинг бунёдкорлик ишларингиздан руҳланиб, анча ёшаргандекман, Белимга қувват, кўзимга нур қайтгандек бўлди. Оллоҳдан Сизга узоқ умр, сиҳат саломатлик, Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида омадлар ёр бўлишини тилайман».**

Кўриниб турибдики, юртдошларимиз оқил ва одил, меҳр-мурувватли Президенти, давлати, ҳукумати борлиги билан фахрланади. Қолаверса, ўзимиз ҳам мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳар хил ёшдаги кишилар билан суҳбатлашиб, бу нарсага кўп маротаба амин бўлганмиз. Албатта, бугунги кунда Навқирон Ўзбекистон барқарор ривожланиб, одамлар турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида фуқароларимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлашга эришмоқдамиз. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, эришилган ютуқ ва муваффақиятларни гарови, албатта муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва чуқур илмий асосланган тараққиётнинг ўзбек моделидир. Ушбу моделнинг мазмун- моҳияти

тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Зеро, бу фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Маълумки, тараққиётнинг ўзбек модели қўйидаги беш тамойилга асослангандир:

Биринчидан, Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги. Бу дегани на сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиши, унга тазийиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги керак. Бозорнинг ўз қондаси бор, яъни: кимнинг маҳсулоти сифатлироқ ва арзонроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёсат ёки мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди. Иккинчидан, Давлат бош ислоҳотчи. Мамлакатда ўтказиладиган ислоҳотларда давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи шарт. Чунки, ислоҳотларнинг бошида давлат турмаса парокандалик вужудга келади. Давлат ислоҳотлар вазифаларини бир тизимга солиб, уларни амалга оширишда етакчилик қилиб туради. Учинчидан, Қонуннинг устуворлиги. Ислоҳотларни амалга оширишда, қонун устуворлигига қатъиян амал қилиниши лозим. Чунки, қонун устуворлигига амал қилиниши ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида юзага келадеган турли тўсиқларни олдини олиб, тараққиёт учун кенг йўл очиб беради. Тўртинчидан, Кучли ижтимоий сиёсат. Бозор муносабатлари бир кун ёки бир - икки йилда шаклланадиган жараён эмас, у маълум бир давр ичида вужудга келади. Мана шу давр ичида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарур бўлади. Қолаверса, ижтимоий ҳимоя аҳолини иқтисодий қийинчиликка тушиб қолмаслигининг муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг билан бирга ижтимоий ҳимоя иқтисодий қийинчилик шароитида турли зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олади. Бешинчидан, Бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдир. Бу тамойилга биноан ислоҳотларни бир «зарб» билан эмас, балки аста секин, эвалюцион йўл билан амалга ошириш назарда тутилади. Бу бозор муносабатларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу моделнинг кўпчилик бошқа миллий тараққиёт моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки

кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан, ўзбек модели иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга давлат қурилиши, жамиятни демократлаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан ўрта синфни шакллантириш, ижтимоий синфий тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлари сингари бир қатор кенг қамровли ҳаёт соҳаларини қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан биридир. Айтиб ўтиш жойизки, тараққиётнинг ўзбек модели жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани ва халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналарига таянгани туфайли ҳам, айтиш пайтда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда мустақам ва мустақил ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда. Қолаверса, ушбу тараққиёт йўлини нақадар тўғри ва ҳаётий эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Айниқса, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида унинг тасдиғи янада ёрқинроқ намоён бўлди. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: «Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда»

Шунинг учун ҳам, дунё ҳамжамияти мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқда. Ўзбекистонга кўплаб давлатларнинг ҳаваси келаётгани ҳам рост. Шу билан бир қаторда эришган ютуқларимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказишга уринаётган ғаним кучлар ва ғараз ниятли шахслар ҳам йўқ эмас. Чунки, эришган ютуқларимизни кўрмаслик мумкин эмас, лекин ҳасад орқали кўролмастик мумкиндир. Қолаверса, бу дунёда дўст бор экан, ғанимлар ҳам бўлади.

Энди, фикримизни яна Амир Темур бобомиз фаолиятига қаратамиз, юқорида «бирор- бир мамлакатда Соҳибқирон сиёсатига қарши раият томонидан норозилик ҳаракат и бўлмаган.» дедик. Бу – рост. Лекин, ҳасад орқали

Соҳибқироннинг ўзига қарши суиқасд ва фитналар уюштирилган. Бу суиқасд ва фитналар асосан ғаним амалдорлар томонидан, яъни баъзи бир амирлар, беклар томонидан содир этилган. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бу фитналар халқ манфаати йўлида эмас, балким мансаб, ҳокимият илинжида бўлган. Бундай ҳолатлар Соҳибқироннинг ақлу –заковати ва зийраклиги туфайли ўз вақтида бартараф этилган. Ушбу ҳолатни, ўша даврнинг нуфузли шахсларидан икки кишининг хатти ҳаракати мисолида кўришимиз мумкин. Булар Амир Мусо ва Шибирғон вилоятининг кўшинига саркардалиқ қилган амир Зиндачашм Апардийдир. Улар ўзаро келишиб, Амир Темурга қарши бир неча бор фитна уюштиради. Соҳибқирон кечиримли инсон сифатида уларни кечиради. Бир сафар Зиндачашм бир қўлига кафан ва бир қўлига шамшир олиб келади. Бунинг маъноси шу эдики, «Агар кечирмасангиз, мана шамшир, бошимни олинг, кафанлигимни ўзим билан олиб келдим», деган маъно бор. Бу маънони тушунган Амир Темур уни бу гал ҳам кечиради. (Жами уч марта кечирилади)<sup>3</sup> Бу хусусда Темур тузукларида шундай дейилади: « Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларга ҳам, илтижо қилиб, тавба-тазарруъ қилиб келганда ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Аксинча, уларнинг мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, хотирларида менга нисбатан шубҳа ва кўрқув бўлса, тамоман унутадиган бўлишди».

Афсус, юқорида номи зикр этилган ичиқора ва ҳасадгўй амирлар Соҳибқироннинг кўрсатган илтифотларига ношукрлик билан жавоб қайтардилар. Уларнинг ношукрлиги шу даражага бориб етадики, Амир Мусо ва Зиндачашм маҳаллий беклар билан ўзаро тил бириктириб, Соҳибқиронга суиқасд уюштирмоқчи бўлишади. Улар Ўтрор яқинидаги тўқайда ов пайтида уни (Амир Темурни) ўлдирмоқчи бўладилар. Бу хабар Соҳибқиронга содиқ кишилар томонидан етиб боради. Айти шу кунларда Мусонинг ўғли Муҳаммадга Соҳибқироннинг қизи унаштириб қўйилган эди. Бунинг устига Амир Мусо Сароймулкхонимнинг опасини ўғли эди. Шуларни ҳисобга олиб

---

<sup>3</sup>. Пиримкул Кодиров «Амир Темур сиймоси. Ўзбекистон нашр. Тошкет. 2007 йил 99-бет.

Мусони Соҳибқирон яна авф этади. Одамни-одам, ерни- сув бузади деганларидек, бу фитнанинг бошида турган Зиндачашм эса бу сафар кечирилмайди, уни Самарқандга олиб бориб, бир умрга зиндонбанд қиладилар. Ношукрлик ва ноинсофликнинг оқибати ана шундай якун топади. Тўғри, Зиндачашм улуғликни орзу қилди, лекин кабир йўлни танлаб хорликка учради. Машхур файласуф Арасту айтганидек: - **« Улуғликка эришиш ниҳоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуғлик даражасига эришолмайди. »**

Улуғ Соҳибқирон Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ижобий тусда ёзилган манбаларга мурожаатни давом эттириб, айнан уни кўриб, суҳбат қилган, христиан элчиси Иоанн Францискнинг, ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланаётган хотираларига қаратамиз. «Амир Темур форс, араб ва турк тилларини билади. Қуръон илми ва Ислом ҳуқуқшунослиги илмида шу қадар кучли олимки ҳеч бир мусулмон олими у билан мунозара қилишга қодир эмас, у олим ва шоирларга катта ҳурмат кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, унинг ўзи олим ва донишманддир» Кўриниб турибдики, буюк Соҳибқирон ҳақиқатда ўта маданиятли, дунёқарашли, тафаккур доираси кенг, санъатни, адабиётни жуда яхши тушунадиган, шеърини севган ўта нозиктаб инсон бўлган. Шеърининг султони Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун - нафоис» асарида Амир Темурга шундай таъриф беради. **«Мулк шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳокони Соҳибқирон, яъни Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор».**

Буюк Соҳибқирон шахсига берилган бундай юксак баҳоларни нафақат Шарқ олиму фузалолари, балким Европа олимларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Амир Темур ҳаётини ёритишда улкан ҳисса қўшган француз олими Жан-Пол Ру ҳам улуғ бобоқалонимиз ҳақида ўта холислик билан

қуйидагиларни айтиб ўтади: «Амир Темурнинг ўз ватанига, дўстларига садоқати, адолати, илм аҳлига кўрсатган юксак хизмати, художўйлиги, маданиятлиги, саҳийлиги, камбағал ва заифларга меҳр-муруввати унинг муваффақиятлар омили бўлган». Ҳақиқатан ҳам улуғ бобокалонимизда камбағал ва заифларга, етим- есирларга ёрдам бериш ва шу каби бошқа инсоний фазилатлар жуда кучли бўлган. Қалби ҳасад, ғийбат, фахш каби иллатлар билан йўғрилган кимсаларни жуда ёмон кўрган. «Темур тузукларида» ёзилганидек: «Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларни кўнгилларини олдим, бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисларимга йўлатмадим. Сўзларига амал қилмадим. Бирон кимса хусусида тўхмату ғийбат қилсалар, кулоқ солмадим».

Яна бир таниқли француз олими Люсьен Кэрэн Амир Темурнинг дунё халқлари олдидаги хизматларини юксак баҳолаб, қуйидаги эътиборга лойиқ бир фактни келтиради: «Яқинда Жерар Вальтер ва Марсель Брион Амир Темурни ўзларининг «Асрлар ёдгорлиги асарларига қаҳрамон қилиб танлашди ва Амир Темурни «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» деб аташди. Бу нимадан далолат беради? Бу Амир Темур ҳазратлари амалга оширган ишлар ҳамон инсониятни ҳайратга солаётганидан ва унинг фаолиятига бўлган қизиқиш сўнмаганлигидан, аксинча ортаётганлигидан далолатдир. Ушбу таърифларни ёзиш ва ўқиш жараёнида ҳам қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлиб тошади, албатта.

Энди Амир Темур ҳақидаги таърифлардан, юксак баҳолардан баҳраманд бўлишлик бахтини халқимизга муяссар қилган Президентимиз Ислом Каримовнинг Амир Темурга бўлган эҳтиромларини айтиб ўтишни жоиз деб билдик: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Юкорида келтирилган таъриф ва юксак баҳолардан кўриниб турибдики, Амир Темур эришган ютуқ ва муваффақиятларнинг бош омили энг

аввало, унинг адолатли сиёсати эди. Адолат ва инсоф буюк Соҳибқирон Темур қурган салтанат иморатини таянч устунлари бўлган десак муболаға бўлмайди. Олим ва шоир Муиниддин Натанзий ўзининг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асарида бу борада шундай ёзиб қолдирган: **»Адолат ўрнатишда шу қадар ғайрат қилдики, унинг салобатидан фил пашшага тавозе қиларди. Бани башар ўртасида бирдамлик расмини барқарор қилди ва адовату хусумат бутунлай орадан кўпти. (Кўтарилди.) Бўриларнинг панжа ва тирноғини қисқа қилди ва кичикларни кучли ва катта қилди. Шунингдек, адолатнинг камолоти жихатидан барча замонлардаги одил ҳукмдорлардан устун эди».**

Дарҳақиқат, Амир Темур давлат бошқарувида адолатга таяниб, қонун устуворлигига эришган ҳолда улкан давлат барпо этди ва муваффақият билан бошқарди. Соҳибқирон оламнинг тенг ярмига жаҳонгирлик қилган бўлса ҳам, куч-қудрат зулм ва зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканини муҳим деб билди. Буни куйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: **«Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлсада, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган».** Соҳибқирон доимо пирлари Зайниддин Абубакр Тайободийнинг: «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда тура олмайди», – деган маслаҳатларига ҳам амал қилганлар.

## **МЕВАЛИ ДАРАХТГА ТОШ ОТИЛАДИ**

Дунё тарихида шоҳлар, султонлар, хоқонлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўзининг ўта шафқатсизлиги, қирғинбарот жанглари, беаёв юришлари билан тарихда қолган. Аммо, халқпарварлиги ва ватанпарварлиги, юксак маънавияти билан ном чиқарган тож соҳиблари у қадар кўп эмас. Айнан, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврининг ана шундай тож соҳиби бўлган десак

муболаға бўлмайди. Асрлар ўтсада, буюк бобокалонимиз қолдирган бебаҳо моддий ва маънавий мероси бутун дунё аҳлини лол қолдириб келаётгани ва бугунги кунда ҳам, инсониятни бирдамликка, ҳамжихатликка, адолат ва эзгуликка даъват этиб келаётгани бундай дейишимизга асос бўлади, албатта .

Шу ўринда савол туғилади: Нега буюк шахс деб эътироф этилган, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни бутун дунёга танитган халқимиз фарзандини асрлар оша гоҳ ёвуз ва зулмкор, гоҳ адолатли ва талабчан ҳукмдор сифатида талқин этиб келинган? Бунинг илдизи қаерда? Сабаби нимада? Албатта, юқорида келтирилган бир-бирига зид фикрларнинг пайдо бўлишига, Амир Темур давридан то мустақилликка қадар кўплаб ижобий - салбий муносабатда ёзиб қолдирилган манбалар сабаб бўлган десак тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Ўз даврининг йирик ва таниқли олимлари Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Хофизу Абру, Шарафиддин Али Яздий каби муаллифлар Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқаргани, унинг халқ ва давлат манфаатлари йўлида саъй ҳаракатлар қилгани ва бошқа кўплаб ижобий хислатлари тўғрисида ёзган бўлсалар, Ибн Арабшоҳ-Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (1389 - 1450) каби тарихчи олимлар ва бошқа соҳа вакиллари уни кўпроқ салбий жиҳатдан талқин этганлар. Биргина Ибн Арабшоҳ мисолида айтадеган бўлсак, унинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номли асари Амир Темурга нисбатан салбий ва душманлик муносабатида, манба ва далилларга кам асосланиб, ўзининг ички субъектив таъсурот ва муносабатлари асносида ёзилганлигига амин бўламиз: »Мен бу қиссада -деб ёзади Ибн Арабшоҳ,- ўзим кўрганларимни эслаб, бошқалардан эшитган ривоятларимни ҳам баён этишга иродат этдим». Айтиб ўтиш жойизки, Ибн Арабшоҳнинг фақат ўзи кўрганлари ҳақида эслаб ёзганлари ҳақиқатга яқин, бировлардан эшитиб ёзганлари эса уйдирма ва афсонага ўхшаб кетади. Ибн Арабшоҳ асарларини ўрганиш жараёнида шундай фикр пайдо бўлади. Бизнингча, «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номли асарини ёзилишида Ибн Арабшоҳнинг Самарқанддан кетганидан кейинги фаолияти, яъни чингизийлар ва Йилдирим Боязид тарафдорлари билан бўлган

мулоқоти ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. (Бу ҳақда қуйида алоҳида тўхталамиз.) Ҳақиқатдан ҳам, ушбу асарда жуда кўплаб, бир-бирига зид бўлган фикрлар баён этилган. Жумладан, Ибн Арабшоҳ, Соҳибқиронни «Ёшлиқда яхши ўқимаган, ўқиш ва ёзишни билмайдеган саводсиз одам бўлган», деган асоссиз фикр келтиради». Ваҳоланки, Амир Темур 7 ёшлигида мадрасага борган, 9 ёшда беш вақт намозни ўрганиб, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлган. Манбаларда ёзилишича, Амир Темурда ёшлигиданоқ илм олишга иштиёқ зўр бўлиб, ҳаттоки ҳар иккала қўли билан бирдек ёза олиш ва қилич ўйната олиш қобилиятига эга бўлган. Айнан шу асарида Ибн Арабшоҳ: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) таъбири тагига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади», деб юксак баҳо бериб, ўзининг ижобий фикрини ҳам келтириб ўтади. Бунга сабаб нимада? Бунинг бош сабабини таниқли ўзбек ёзувчиси Пиримкул Қодиров қаламига мансуб бўлган «Амир Темур сиймоси» асарида учратдик: «Ибн Арабшоҳ Самарқанддан кетгандан кейин 1408-1412 йилларда Мўғулистонда ва собиқ Олтин Ўрда ҳудудларида яшайди, яна тўққиз йил турк султони Муҳаммад 1 саройида котиб бўлиб ишлайди. Албатта, ушбу юртлардаги муҳит Ибн Арабшоҳга ўз таъсирини ўтказган. Амир Темурдан енгилиб аламзада бўлиб юрган чингизийлар ва Йилдирим Боязид тарафдорлари Соҳибқиронга нисбатан душманлик руҳида тўқиб чиқарган уйдирма ривоятлардан бир қанчасини Ибн Арабшоҳ ўзининг Амир Темур ҳақидаги қиссасига киритади».

Ибн Арабшоҳ асарларидаги бир-бирига зид фикрлар тўғрисида таниқли ўзбек олими Иброҳим Ғафуров ҳам ўзининг қуйидаги фикрларини баён қилади: «Ибн Арабшоҳ ўз асл сўзлари- асл мақсадлари ва асл хазиналарини лой билан сувагандек таассурот қолдиради. Хазина керак одам хазинани олади. Лой керак одам лойини олган». Балки, ибн Арабшоҳ атрофидаги муҳит уни, хазинани лой билан чаплашга ундагандир? Балки, мустабид тузум даврида, лойига эътибор кучли бўлгандир ёки кучайтирилгандир? Оллоҳга шукрки, мамлакатимизда мустақилликнинг қўлга киритилиши туфайли, лойдан

хазинани ажратиб ўқийдеган бўлдик. Албатта, «Бизга хашаги эмас, сара олтин меваси керак». Нима бўлганда ҳам, Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» номли асарида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, халқимизнинг маданияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Шунинг учун бўлса керак, ҳазрат Соҳибқирон ҳақида қандай асар ёзилмасин, уларнинг барига Ибн Арабшоҳ асарида келтирилган маълумотлардан фойдаланилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустабид тузумнинг ҳукмрон мафкураси таъсирида кўпгина ғаразғуй ёзувчи, олимлар томонидан Амир Темур бобомизни обрўсини тўқишга ва уни камситишга уринишлар бўлган. Қизиғи шундаки, Соҳибқиронни буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни ўз асарларида даҳшат, жоҳиллик, босқинчилик тимсоли сифатида баён этиб, ҳатто ёвузликда ҳам айблашган. «Ҳар бир алоҳида одамга ҳурматсизлик, уни менсимаслик, унга адолатсизлик қилиш ўша одам мансуб бўлган халққа етказиладиган катта зарар» эканлигини эътироф этган ҳолда уларга қарата бир қанча саволлар билан мурожаат қилгинг келади. Амир Темур жоҳил, зулмкор, ёвуз ва босқинчи бўлган бўлса,... нега унинг фаолияти, маслаҳатлари, ўғитларидан иборат бўлган асарларини ўз тилларига таржима қилиб, давлат бошқарувида фойдаланганлар? Халқпарвар, ватанпарвар, диний бағрикенг инсон жоҳил, зулмкор бўлиши мумкинми? Нафақат ўз юртида ва балки ўзга юртларда ҳам бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган инсон ёвуз, босқинчи ва бузғунчи бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ.

**«Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий қошоналар қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди».** Тўғри, улуғ кишиларнинг, айниқса давлат арбобларини эришган ютуқларини кўролмайдиган ҳасадғуй ғанимлар кўп бўлади. Чунки, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган инсонларнинг Ватан, миллат манфаати йўлида қилган эзгу ишлари ва бу борада эришган ютуқлари ўз даврида ҳам, балки кейинги замонларда ҳам маълум сиёсатчилар ва мафкураларнинг ҳасадини қўзғатади. Бу ғанимлар буюк инсонлар ҳаётлигида пинхона ҳаракат қилсалар,

кейинчалик эса ошкора ҳаракатлар қилиб, асл башараларини кўрсатадилар. Демокчимизки, буюк шахсларга, жумладан улуғ аждодимиз Амир Темурга ҳам ҳасад қилувчилар кўп бўлган, ҳозир ҳам бор. Бу ҳеч кимга сир эмас. Гуноҳ билан савобнинг, ҳалол билан ҳаромни фарқига бормайдеган баъзи - бир ёзувчи-олимлар, бировни танасидаги нуқсонни ҳақида ёзиш у ёқда турсин, бу ҳақда гапириш ва кулиш, нуқсонига қараб лақаб қўйиш гуноҳлигини билганда эди – элим деб, юртим деб яшаган, халқ тинчлиги ва омонлиги йўлида жангга кириб, ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраланганда ҳам жанг майдонини ташлаб кетмай, мардонавор курашган саркардани «хромой Темур – оқсоқ Темур-Темурланг» деб атамаган бўлур эди. Ўз юртини босқинчи золимлардан озод қилиш бараварида, бошқа халқларни ҳам мустақилликка эришишини тезлаштирган, ҳалос бўлишига сабабчи бўлган шундай улуғ зотни таҳқирлаб, тухмат тошларини отмаган бўлардилар. Албатта, бунинг тагида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек халқимиз тарихига, шу халқнинг ичидан етишиб чикқан буюк зотлар фаолиятига нисбатан ҳасад ётганлигини гувоҳи бўламиз. Тўғри, бу кўҳна дунёдан жуда кўп саркардалар, ҳукмдорлар ўтган. Кимнидир бир кўзи кўр, кимнидир боши кал, кимдир новча, кимдир калта бўлган (Оллоҳнинг иродаси бу), ўша «ёзувчилар» мансуб халқларда ҳам юқорида келтирилган ҳолатдаги саркардалар, ҳукмдорлар бўлганку? Маълумки, халқимиз азалдан ўз тарихини, маданиятини, маънавиятини ҳурмат қиладеган, шу билан бир қаторда дунёдаги бошқа халқлар тарихи, маданияти ва маънавиятига чуқур ҳурмат билан қарайдеган халқдир. Халқимиз маънавияти шу даражада юксак бўлган эканки, биз уларга ўхшаб бировни нуқсонни устидан кулмадик. Халқимиз маънавияти шу даражада юксак бўлган эканки, босқинчи Скобелев жаноблари маънавиятимизни йўқ қилиш унга ғалаба келтириши мумкинлиги тўғрисида фикр юритган. Қолаверса, халқимизнинг феъл - атвори барчага аён. **«Ўзбек халқи том маънода бунёдкор халқдир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо, қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини химоя қилиш учун олади».**- деб таъкидлайдилар юртбошимиз Ислом Каримов.

Демокчимизки, дунё тарихида ўтган буюк шахсларга баҳо берганда,

уни қайси миллатга мансублиги ва диний эътиқодига қараб эмас, балки унинг эл-юрт манфаати йўлида амалга оширган ишларига, қолдирган моддий ва маънавий меросига, қолаверса бутун жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига қараб баҳо бериш адолатли ва ҳолисона баҳо бўлади, албатта.

Шу ўринда Соҳибқирон тўғрисида ноҳақ ва салбий фикрлар ёзиб қолдирган баъзи бир «алломалар»ни эслаб ўтишни лозим топдик. Зора, келажакда ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўядеган баъзи – бир ичиқора, ҳасадгўй алломалар ёлғоннинг умри қисқалигини англаб, бундан тўғри хулоса чиқариб олса?

Владимир Череванский, Шлоссер, Гибон, Вебер, Грановский, Мюллер, айниқса, В. Бартольд ва Б. Гафуровлар Буюк Соҳибқирон шаънига муносиб бўлмаган ёлғонларни шунчалик тўқиганларки, Амир Темур даврида яшаган бирорта тарихчи бундай ишга қўл урган эмас. Масалан, Ибн Халдун у билан 35 кун суҳбатлашгандан сўнг уни жуда ёқтириб қолган.

**«Темурдай буюк шоҳ ва инсон хотирасига муносабатни кўриб ачиниб кетасан, – деб ёзган эди Ўрта Осиёни тадқиқ этган олимлардан Д.Н. Логофет – ахир у ўзининг халқини таракқиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, ўз даврининг ўта маданиятли вакили эди... Биз эса Осиё тарихига тааллуқли далилларни билмай, билишга ҳам қизиқмай, уни ёввойи деймиз».**

Шу ўринда яна бир шарқшунос А.Е. Снесаревнинг (1865-1937) фикри ҳам эътиборга сазовордир. Маълумки, А.Е. Снесарев Амир Темурнинг саркардалиқ, ташкилотчилик фаолиятини ўрганишга ғоят қизиқиб қараган йирик ҳарбий арбоб ҳам эди. У Европа тарихнавислиги намояндаларининг «Осиёнинг ҳақли равишда шухрат қозонган ҳарбий йўлбошчиларини камситиб», Амир Темур каби атоқли саркардаларни «мамлакатни шафқатсизларча вайрон этган», «қонхўр», «телбанамо» кимсалар қаторига қўшишларини ғаразгуйлик, ғайриилмий тарзда бирёқлама ёндашиш деб баҳолади». Масаланинг тафсилотига берилмай, буни «ўтакетган англашилмовчилик ёки ноҳақлик» деб ҳисоблашга ижозат бергайсиз», деб

ёзган эди .

Ушбу фикрларни давом эттириб, Амир Темур фаолияти тўғрисида ёзиб қолдирилган ижобий фикрларни баъзиларига қисқача тўхталиб ўтишни ҳам лозим топдик:

-Ду Сэнксйон (фаранг муҳаррири): «**Жаноби олийлари! Мана бир асрдан ошибдики, буюк Темур тарихи Оврўпада маълум ва машҳурдир... яна шуни таъкидлаб ўтмоқ жойизки, бу улуғ зот ҳатто Македонский ва Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Чунки Темур улардаги барча афзал (саркардалик маҳоратидаги) жихатларни қабул қилгани ҳолда, йўл қўйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда, жаҳонгирлик ва зафар қозонишда Темур улардан ўзиб кетди**», - деб ёзади.. .

-Альфонс де Памарти (француз тарихчиси): «**Дин, тиббиёт тарих, ҳуқуқ ва астрономия соҳаларида Амир Темур ўта билувчи эди. Кўп ўқиган. Осиёнинг энг унумли уч (турк, араб, форс) тилини жуда мукамал билган қудратли ҳуқумдор эди... - дейди.**

-Л.Лянлэ (француз тарихчиси): «**Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди**», - деб ёзади.

-Ибн Халдун (Суриялик араб тарихчиси ва мутафаккири): «**Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди**».

-Алишер Навоий:«**Темур Кўраган... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни ондоқ хўб маҳал ва мавқеида ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор**».

-Херман Вамбери (венгер шарқшуноси): «**Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги**

алохида ўрнини шундай ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси) ни ва балки, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди».

-Логофет Д.Н (Бухоро амирлигини яхши ўрганган олим): – «Оврўпада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда унинг давлатида қонунлар мажмуаси мавжуд бўлган, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган, ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган» .

Муиниддин Натанзий: «Амир Соҳибқирон илму ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда улфатлашган эди. Уларни эъзозу икром қилишда муболағалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш орқали умматлар насаби ва шарҳи ҳолларини, Турк, Араб ва Ажам подшоҳларини ва бу илмнинг бошқа тармоқларини жуда чуқур эгаллаган эди. «...яна унинг мажлисида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалалар баҳсида устунликка эришар, аксар ҳолларда у кўрсатган ечим асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида етарли маълумотга эга эди».

-Ибн Арабшоҳ: «Темурни етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зоғ), подшоҳлару султонлар жаҳонгири»,-деб атардилар. «Темур одамларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди», «Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди...», «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топиларди» , деб ёзади.

- Иоанн Гринло (Амир Темур замондоши). «...Темурбек ... илми Қуръон ва илми фикҳда шунчалик забардасд эдики, ҳеч қандай мусулмон олими у

**билан бу мавзуда беллаша олмайди», - деган эди.**

**-Хилъда Хукхэм (инглиз тарихчиси): «Темур бу ерда курраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурнинг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади».**

Манбаларда ёзилишича, мустабид тузум ҳукмронлик қилган даврда яшаб ўтган шўро тузуми саркардалари Фрунзе ва Гайдар ҳам ҳарбий академияда таҳсил олганларида, Соҳибқирон Темурнинг ҳарбий тактикаларини ўқиб ўрганиб, ўз фаолиятларида кенг қўллаганлар. Ҳаттоки, ўз фарзандларига Амир Темурдек машҳур ва адолатли инсон бўлсин деб, Темур исмини қўйишган. «Хусусан ёзувчи Аркадий Гайдар (Голиков)нинг ўғли Россиянинг номдор кишиларидан бири бўлди. Аммо ёзувчи Гайдарга ўғлидан ҳам кўра, набираси Егор Темурович Гайдардан шуҳрат келди. Набираси Россия ҳукумати бош вазири лавозимига кўтарилиб, сиёсий жамоат арбоби сифатида ўзининг қатор ислохотлари билан майдонга чиққанди». Бу гапларга ҳам изоҳ ортиқча, деб ўйлаймиз. Чунки, ушбу айтилган гапларни барчасини тагида ҳақиқат ётибди. Ҳақиқат эса, эгилади, букилади, лекин синмайди. Энг асосийси— Соҳибқиронда аниқ мақсад бўлган ва ўз фаолиятини ана шу мақсад сари йўналтирган. «Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир».

Ушбу сўзлардан, Амир Темурнинг эл-юрт тақдири ҳақида ўйлаб, миллат ғамида ёниб яшаганлигини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам унинг обрў-эътибори ҳам, мамлакат қудрати ҳам йилдан-йил ошиб борган. Соҳибқирон адолат ўрнатиш йўлида ўз жонини, ҳаттоки бутун борлигини берадеган ҳукмдорлар, давлат арбоблари тоифасига киради. Буни қуйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: «Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган, уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай

**тарихий ва унутилмас шахсдир».**

## **Соҳибқирон давлатида ва навқирон Ўзбекистонда диний бағрикенглик**

Ўзбекистон ҳудудида азалдан турли элат ва миллат вакиллари ёнма-ён иноқликда яшаб келган. Диний бағрикенглик ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадриятига айланган десак муболаға бўлмайди, албатта. Маълумки, диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг ягона мақсад сари ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Ана шу нуқтаи назардан фикр юритганда, Амир Темур бошқарувида бўлган марказлашган давлатда ҳам миллати, тили, диний эътиқоди бошқа-бошқа бўлган халқлар бирлашиб, қудратли ва мустақкам давлат барпо этиш йўлида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, Соҳибқирон барпо этган салтанатда турли миллатларга мансуб бўлган олиму фузалолар, қурувчилар, темирчилар, гиламдўзлар, қуролсозлар ва бошқа хунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирганлар. Бундан ташқари, Амир Темур кўшинлари таркибида миллати ва диний эътиқоди бошқа бўлган аскарлар ҳам бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Жумладан, таниқли ўзбек адиби ва журналисти Ҳаким Сатторий ўзининг «Ҳазрат Соҳибқирон» асарида тарихий манбаларга таяниб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Унинг (Амир Темурнинг) кўшинида мўғул билан эрони ёки шаҳарлик билан саҳройи, мусулмон билан христиан ёки буддист аралашиб юраверар, бироқ бирор ўринда чеклаш ёхуд камситиш сезмасди. Ана шундай турфа хил касб-кор, миллат, эътиқоддаги кишилар бирлашиб, юксак бир чўққини ташкил этган эдиларки, унинг энг юқорисида Соҳибқирон Амир Темур турарди». Эътиборли томони шундаки, Амир Темур жамият эътиқодсиз яшай олмаслигини ўз даврида чуқур англаган ва ҳамма вақт ислом динини қўллаб қувватлаган: **«Давлат ва Салтанатдорликка боғлаган биринчи тузугим шулки, Тангри таъалонинг дини ва Мухаммад**

**Мустафонинг шариятига жаҳонда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳамма вақт Ислом динини қувватладим».**

**«... Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган – деб таъкидлайдилар мухтарам юртбошимиз -- жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак» ёки «Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу – мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир. Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас».**

Ўз даврида Амир Темур билан юзма-юз мулоқотда бўлган Султония епископи Иоанн Гринло Соҳибқироннинг нафақат дунёвий илмлар, балким диний илмлар билимдони бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтган: **« Темурбек... Илму Қуръон ва илму фикҳда шунчалик забардаст эдики, ҳар қанақа мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмаган».** Ҳақиқатдан ҳам, Соҳибқирон Амир Темур иймони бутун, қалби пок инсон бўлиб, кўп қиррали фаолият олиб борган. Давлат раҳбаримиз асарларида таъкидланганидек: **«Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маъна-вияти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради».**

Амир Темур ўзининг диний муносабати орқали, ўзининг ва халқимизнинг нақадар диний бағрикенг эканлигини амалда кўрсатган давлат арбобидир. Чунки, Соҳибқирон муқаддас ислом динини қувватлаш билан бир қаторда, бошқа дин вакилларига ҳам ўз эътиқодларига риоя қилишлари, ўз диний амалларини эркин адо этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Бу ҳақда епископи Иоанн ўз хотираларида шундай ёзади: **«Темурбей насронийларга хайрихоҳлик қилади, эҳтиром кўрсатади, насронийларга хусусан, лотинларга, французларга бирор ёмонлик қилмайди, уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган, айниқса савдогар-ларга ўз**

эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни адо этишлари учун барча шарт-шароитларни яратган»

Ўзаро ҳамкорлик, бағрикенглик муҳитини ҳозирги навқирон Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Олиб борилаётган адолатли сиёсат туфайли мамлакатимизда турли конфессияга мансуб диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатаётганлиги ва уларга диний амалларини эркин адо этишлари учун барча қулай шарт шароитлар яратилгани фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, истиқлол йилларида юртимизда юзлаб черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди ёки қайта таъмирланди. Уларнинг қаторида Тошкент, Самарқанд, Навоийдаги православ черковлари, Тошкентдаги католик костёли, Самарқанддаги арман апостол черкови, Тошкентдаги будда ибодатхонасини зикр этиш мумкин. Ҳар йили бошқа диний жамоаларнинг 100 дан ортиқ вакили ўз динларининг Исроил ва Россияда жойлашган муқаддас зиёратгоҳларига бориб келмоқда. Энг асосийси, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли, миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланган. Бу борада ҳуқуқий асослар ҳам яратилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» қонунда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра мамлакатимизда **«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».**

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» қонуннинг 5-моддасига кўра: **«Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирор-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди».** Давлат ва дин муносабатларидаги асосий жихат – бу диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Зеро ҳар қайси дин, авваламбор маънавий-ахлоқий жихатни ўз ичига олади. Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жихатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс

ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси қонунларида диний-сиёсий асосда партия тузиш тақиқланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасига қатъий риоя қилинаётгани, европалик диншунослар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, немис олими Т. Нагельнинг таъкидлашича: **«Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади».**

Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган нуфузли халқаро анжуманлар иштирокчилари ҳам Ўзбекистонда дин соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда бошқа давлатларга намуна бўла оладиган диний бағрикенгликни эътироф этган ҳолда, ҳукуватимиз сиёсати, Ўзбекистонда барча дин вакилларига яратилган эркинликлар ва диний соҳадаги катта ўзгаришлардан зўр таассурот олганларини ҳам таъкидлаб келмоқдалар. Республикамизда ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари – тинчлик маданияти йўлида «мавзусида динлараро мулоқот халқаро Конгресси, мусулмон ва христиан ислоҳиётчилари иштирокида «Бир само остида «халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилгани, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 ва 130 йиллиги, Евангелъ-Лютеран жамоаси, Рим-католик черкови ва Арман апостоллик черковларининг 100 йиллиги нишонлангани ҳам буни тасдиқлайди».

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик соҳасидаги давлат сиёсати бошқаларга намуна бўла оладиган даражада десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, мустабид тузум даврида муқаддас ислом динимизга нисбатан турли таъқиб ва чекланишлар ҳам бўлган. Жумладан, Ислом динига

оид бебаҳо китоблар йўқотилган, табаррук қадамжолар ва ёдгорликлар эса оёқости қилинган. Лекин, шафқатсиз таъқиб ва чеклашлар ҳам халқимизни муқаддас динимизга бўлган эътиқодини сўндирмади. Мустақиллик шарофати туфайли муқаддас ислом дини ҳаётимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгалламоқда. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: **«Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз.... Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир».**

Мустақиллик йилларида дин соҳасида содир бўлган ижобий ўзгаришларни яна қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларини адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Ислом уламоларининг юзлаб китобларидан, ҳадис тўпламларини таржимасидан халқимиз баҳраманд бўлаётганлиги, Қуръони карим тўрт марта ўзбек тилида чоп этилиши, (1992, 2001, 2004, 2007йй) юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Мустақиллик туфайли Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганлиги, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, каби буюк ватандошларимизнинг таваллуд кунларини кенг миқёсида нишонланаётганлиги, ҳар йили мамлакатимиздан 11 минг нафардан зиёд фуқароларимиз муборак Ҳаж ва Умра амалларини бажариб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб келишаётганлиги давлатимизнинг динга бўлган катта эътиборининг бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарияти томонидан зиёратчилар учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилётган адолат ва инсонпарварликка асосланган сиёсат, муқаддас динимизга нисбатан бўлган оқилона муносабат Амир Темур қурган давлат пойдевори устида муҳташам бино қурилаётганидан нишонадир. Пойдевори – яъни асоси мустаҳкам бўлган, адолатга, иймон эътиқодга таянган ва қонун устуворлигига эришаётган мамлакатнинг келажаги буюқдир.

## **ИБН ХАЛДУННИНГ СОВҒАСИ**

Давлат барқарорлиги ва ривожланишининг энг асосий омилларидан бири халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг маънавий – ахлоқий камолотидир. Ўта мураккаб ва зиддиятли даврда давлат тепасида турган Соҳибқирон Амир Темур ҳам мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда, халқнинг маънавий юксалишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиб, илм фан ва маданият тараққиётига кенг йўл очган. Чунки, Соҳибқирон табиатидаги ноёб фазилатларнинг асоси илм-маърифат бўлган.

Яна бир эътиборли томони шундаки, Амир Темурда диний ва дунёвий илмларни ўрганиш иштиёқи баланд бўлган. Айниқса, давлат ва жамият бошқарувига оид тарихий, фалсафий асарлар Соҳибқирон эътиборидан четда қолмаган. Бу борада баҳс – мунозаралар қилишни хуш кўрган ва бундан баҳра олган. Маълумки, “Шарқ Арастуси” номи билан шуҳрат қозонган, 70 дан ортиқ тилни билган халқимизнинг буюк алломаси, машҳур файласуф Абу Наср Фаробийнинг ўлмас асарларидан бири «Фозил одамлар шаҳри» айнан давлат бошқаруви масаласига қаратилгандир. Жумладан, ушбу асарида Фаробий давлатни бошқарувчи Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак, у табиатан ўн иккита хислат – фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва қуйидаги хислат–фазилатларни бирма-бир санаб ўтади.

- 1. Тўрт мучали соғлом бўлиши.**
- 2. Фаросатли бўлиши.**
- 3. Хотираси кучли бўлиши.**
- 4. Заковатли бўлиши..**
- 5. Нотик бўлиши.**
- 6. Билимли бўлиши.**
- 7. Барча нарсадан кўзи тўқ бўлиши.**
- 8. Хақгўй ва одил бўлиши.**
- 9. Донишманд ва ориятли бўлиши.**
- 10. Нафсини енга оладиган бўлиши.**

**11.Адолатпарвар бўлиши.**

**12.Қатъий фикрли бўлиши.**

**Ўз даврида Амир Темур айнан Фаробий санаб ўтган 12 хислат ва фазилатни ўзида мужассам этган давлат арбоби эканлигига амин бўламиз. Бугунги кунда эса, ҳеч қандай муболағасиз ва фахр билан айтишимиз мумкинки, бундай инсон Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.**

Чунки айнан ана шу буюк шахслар ўз фаолиятлари, олиб борган ва олиб бораётган оқилона сиёсатлари туфайли халқимизни бутун дунё таниган, танимоқда ва тан олмақда. Бу эса ўз ўрнида халқимиз қалбида чуқур фахр ва ғурур туйғуларини уйғотади деб ўйлаймиз. Бу борада таниқли ўзбек адабиётшунос олими Абдуғафур Расулов ҳам ўзининг қуйидаги фикрини баён қилган : **«Ўзбек халқи ўзининг қадимий тарихи давомида кўп султонубекларни,амиру хонларни кўрди. Аммо Амир Темурдан сўнг миллат учун қуюнадиган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган азму шижоатли давлат раҳбари етишиб чиқмади. Фақат XXI асрга келиб Ислом Каримов бу бўшлиқни тўлдирди».**

Амир Темурнинг тарихда ўтган кўпгина ҳукмдорлардан яна бир фарқли томони шундаки, Соҳибқирон қудратли ёки қудратсиз бўладими, яхши ёки ёмон бўладими, ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар фаолиятини чуқур таҳлил қилиб ўрганган. Ижобий томонларини ўз давлат бошқарувида кенг қўллаган. Давлатни парокандаликка ва таназзулга учратадиган салбий ҳолатларидан эса сақланган.Бу ҳам доноликнинг бир кўринишидир. Темур тузукларида ёзилганидек, **«Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирада сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касаллик келтирувчи**

**зулм ва бузукчиликлардан сақланишни ўзимга лозим билдим».**

Инсон маънавиятини кўрсатадиган омилардан бири - бу албатта илм манбаи бўлган китобга бўлган муносабатида акс этади. Маълумки, Амир Темур ҳам юксак маънавиятли инсон сифатида китобни жуда кадрлаган. Тарихда ўтган кўп ҳукмдорлар, забт этилган юртлардан халқнинг маънавий бойлиги бўлган китобларни ёқиб юбориб, моддий бойликларини тўплаб, ўз юртига олиб кетган бўлса, Соҳибқирон аксинча, қайси юртда бўлмасин, биринчи ўринда олимлар, хунармандлар, меъморларни йиғиб, халқнинг маънавий бойлиги бўлган китоб ва қўлёзмаларни тўплаб, ўз юртига жўнатган. Мақсади Самарқандни дунёнинг энг йирик маданий марказга айлантириш бўлган. Чунки, фан ва маданият арбоблари, хунармандлар бир жойга жамланса, китоб ва қўлёзмаларга бой кутубхоналар қанча кўп бўлса, мамлакатда илм - фан ва маданият шунча тез ривожланади деб ҳисоблаган. Тўғри, уруш қонунларига кўра, енгилган мамлакат ҳукмдоридан ўлжа сифатида турли-туман моддий бойликлар ҳам олинган, лекин Соҳибқироннинг тарихда ўтган бошқа ҳукмдорлардан фарқи ва улуғлик томони шундаки, бу моддий бойликлар эл юрт фаровонлиги ва бунёдкорлик, ободончилик ишларига сарфлаган, ўзига сариқ чақа ҳам олиб қолмаган. Агар Соҳибқирон бойликка ва бойлик йиғишга ружу кўйганда эди, унда мамлакат ғазнаси олтину кумушларга, қимматбаҳо буюмларга лиқ тўла бўларди. Шу ўринда 15 асрда яшаб ўтган йирик олим Давлатшоҳ Самарқандий айтган гапни эслаш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. У бундай деган экан: **«Шоҳруҳ султон Самарқанд тахтига ўлтирғондан кейин (1409 йил) отасининг шаҳар аркида, Кўксаройдаги хазинасига кирди. Аммо аблаҳлар димоғи ақлдин, жохиллар қалби билимдин холи бўлғонидай, Шоҳруҳ султон (ҳам) ўша хазинани ганждан холи топди. Тасодифан мирзо асосининг учи (ерда ётғон) бир дирҳам ақчага тегди. Ани олиб, пеши билан артди, сўнг кўзларига суртиб, киссасига солди, кейин мулозимларига юзланиб деди: Биз ушбу дирҳам хақи отамиздан қолғон хазина ва меросдан баҳраманд бўлдик».** Кўриниб турибдики, кўпчилик ўйлагандек Соҳибқирондан фарзандларига ҳам,

авлодларига ҳам ҳеч қандай хазина қолмаган, балки моддий бойлик бўлиб тарихий шаҳарлар, гўзал тарихий обидалар ва маънавий бойлик бўлиб «Темур тузуклари» қолган. Энг асосийси, Соҳибқирон бобомиздан биз авлодларга яхши ном, яхши хотира қолган.

Манбаларда ёзилишича, буюк Соҳибқирон ўз аскарлари учун фатх этилган мамлакатнинг олиму- фузалолари, дин аҳли ва диний масканларга, нодир хунар, санъат ва истеъдод эгалари билан бир қаторда, ўша халқнинг энг қиммат баҳо бойликлари бўлган китоблари ва ноёб қўлёзмаларига зарар етказмасликни шарт қилиб қўйган. Солномаларда қайд этилишича: **«...Тоғдаги бир ғорда арманлар монастири жойлашган бўлиб, унда тарки дунё қилган кўплаб эркак ва аёллар яшарди. Уруш қонунларига мувофиқ, босиб олингандан кейин, жой тағ- туғи билан йўқотилиши керак эди. Биринчи ҳаракат и билан Соҳибқирон шундай йўл тутмоқчи бўлади. Бироқ бу жой гарчи бошқа эътиқодга хизмат қилса ҳам, диний маскан- ку, шунда Соҳибқирон иккиланади ва фикрини амалга оширишга шошилмайди. Аёллар ва болаларни олтин ҳам кумуш ҳисобига озод қилиш таклифига пинагини ҳам бузмайди. Бирданига бошқа бир таклифни ўртага қўяди «ким-ки тирик қолишни хоҳласа ўз оғирлигича китоб келтирсин» дейди. «Бу таклифни монастирдагилар узоқ муҳокама қиладилар ва унга жавобан ўлимга рози эканликларини изҳор этадилар. Улар энг қиммат баҳо бойликлари китоблар ва қўлёзмаларни топширишни хоҳламайдилар. Соҳибқирон бундай қарордан хайратланиб, уларнинг ҳаммасини авф этиш ҳақида буйруқ беради. Чунки, халқининг энг нодир бойликларини жонидан азиз билган кишилар тирик қолишга, яшашга ҳақли эди».**

Ушбу воқеа орқали Соҳибқирон Амир Темурнинг диний- бағрикенглиги, кечиримлилиги, бойликка ўч эмаслиги, мардлиги ва арман халқи аждодларининг ҳам маънавияти нақадар юксак бўлганини англаб олиш мумкин. Бундан ташқари, Соҳибқирон мағлуб юртнинг илм аҳлига омонлик хати бериб, у ердаги барча ноёб китоб ва қўлёзмаларни Самарқандга жўнатган.

Бу ҳақда ибн Арабшоҳ шундай ёзиб қолдирган: «Темур қайси давлатни забт этса, ҳар бир фойдали жонни йиғиб, нимаики сара бўлса, Самарқандга келтирди. «Албатта, тарихчи» фойдали жон» деганда аввало ижодкор аҳлини назарда тутган, «сара нарсалар» деганда ноёб китоб ва қўлёзмаларни назарда тутган. Натижада, нодир китоб ва қўлёзмалардан катта бир кутубхона бунёд бўлган. Яна бир эътиборни тортадеган ва ҳайратланадеган томони шундаки, Соҳибқирон икки ҳолатда, яъни китоб ва китоб яратувчи олиму фузалоларни кўргандагина тахтдан тушиб, унга нисбатан ўз ҳурматини изҳор қилган. Келинг, фикримизни исботи учун манбаларга мурожаат қиламиз. Машҳур араб олими ибн Халдун Соҳибқирон билан бўлган учрашуви тўғрисида шундай ёзиб қолдирган «...Темур билан учрашганимда, уларнинг урф-одатларидан хабардор бир танишим ўзи билганларини менга айтиб берган эди. У арзимас, кичкина бўлса ҳам совға ҳадя қилишимни маслаҳат берган эди. Чунки уларда бу нарса подшоҳларнинг қабулига борувчи учун одат бўлиб қолган. Китоб бозоридан яхши битта Мусхаф, чиройли жойнамоз, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассалам мадҳида ёзилган Бусирийнинг машҳур «ал-Бурда» қасидасидан бир нусха, тўрт қути Миср ширинликларидан олдим. Уларни кўтариб Темурнинг хузурига бордим. У Аблак қасрининг айвонида ўтирган эди. Мени кўриб, ўрнидан турди ва ўнг томонга ўтиришни буюрди. Икки тарафдан эса чиғатойларнинг катталари ўтиришди. Бир пас ўтиргач, унинг олдига ўтиб, ходимдан олиб келган совғаларимни олдим. Мусхафи шарифни очган эдим, Темур кўриши биланоқ, уни таниб, ўрнидан турди ва қўлига олиб бошига теккизди. Кейин мен унга «ал-Бурда»ни бердим. У қизиқиб, бу қандай китоб, муаллифи ким эканлигини сўради. Билганларимни гапириб бердим. Ундан кейин жойнамозни узатдим, у қабул қилиб олди. Одоб юзасидан қутилардаги ширинликларнинг биринчи ўзим олиб, кейин унга узатдим. Темур уларни мажлисда ўтирганларнинг ҳаммасига тарқатди. У совғаларни ҳаммасини қабул қилиб олди ва мен унда розилик аломатларин пайқадим». Ушбу хикоя орқали, Соҳибқироннинг муқаддас

динимизга, илм аҳлига ва китобга бўлган муносабатини англаб олиш қийин эмас, албатта. Бундан ташқари, француз олими Лянглэ ҳам Амир Темурнинг илм маърифати алломаларига, соҳиби хунармандларга қанчалик ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги тўғрисида шундай ёзиб қолдирган:»**Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм - фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб,уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди».**

Айтиб ўтиш жойизки,салтанатда ўз даврининг энг катта ва бой кутубхоналари яратилган бўлиб, ушбу кутубхоналар нодир китоблар ва ноёб қўлёзмалар билан тўлдирилган. Ўша даврларда мамлакат пойтахти Самарқандаги Сарой кутубхонаси айниқса машҳур бўлиб, бу ерда юнон, лотин, форс, сурия, арман ва бошқа тиллардаги энг нодир қўлёзмалар сақланган.Жаҳон маданияти тараққиётига ҳисса қўшган кўплаб олиму фузалолалар фаолияти ҳам Самарқанд билан боғлиқдир. Чунки бу муқаддас заминда Соҳибқирон ташаббуси билан бунёд этилган машҳур мадрасаю илм муассасаларида дунёвий ва диний билимлар ўрганилган. Ўша даврнинг кўплаб олимлари, узоқ юртлардан Амир Темур кутубхонасидаги китоб ва қўлёзмалардан фойдаланиш учун Самарқандга келганлар. Улардан бири Улуғбекнинг ва Аловуддин Али Ибн Муҳаммад (Али Қушчи)нинг устози, Самарқандга Бурсадан келган аллома Қозизода Румий эди. Кўриниб турибдики, ким бўлишидан ва қайси юртдан бўлишидан қатъий назар илмга муштоқ инсон Соҳибқирон кутубхонасида сақланаётган китоб ва қўлёзмалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Бу эса, Амир Темур бобомизнинг нақадар бағрикенглиги ва сахийлигидан бир нишона,холос. Шунинг учун ҳам, қарийиб VII аср бўлибдики, жаҳон аҳли Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига, қолдирган бой маънавий меросига мурожаат қилиб, ўзини қизиқтирган саволларига, муаммоларига жавоб топишга интилади. Айниқса, «Темур тузуклари»ни ўқиб ўрганишга

бўлган қизиқиш ҳалигача сўнмагани ва аксинча кучайгани фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

Амир Тему́р диний ва дунёвий илмлар бўйича чуқур билимга эга бўлган ва маънавий пок инсон сифатида, барчани покизаликка, ҳалолликка чорлаган.Зўрлик билан эмас, тарбия воситасида ушбу иллатлардан ҳалос бўлиш мумкин деб ҳисоблаган.Буни Соҳибқироннинг май, шароб каби маст қилувчи ичимликларга бўлган муносабати орқали ҳам билиб олиш мумкин. Соҳибқирон ҳаётига бағишлаб ёзилган кўпгина асарларда бу борада бир-бирига зид бўлган турли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Биз ушбу асарларни ўқиб-ўрганиш натижасида қуйидаги хулосага келдик. Маълумки, мусулмончилик ақидалари бўйича қимор ўйнаш,судхўрлик билан шуғулланиш, май истеъмол қилиш гуноҳ ҳисобланган. Албатта, Соҳибқирон поклик ва покизаликни улуғлаган инсон сифатида кайф берувчи ичимликларни истеъмол қилишдан сақланган.Нафақат сақланган, бошқаларга ҳам сақланишликни маслаҳат берган. Соҳибқирон билан юзма-юз мулоқотда бўлган Султония шаҳрининг насроний епископи Иоанн ўз эсдаликларида шундай дейди: **«Мен унинг (Амир Темурнинг) шароб ичганини кўрмадим. Гарчи майхўрлик ва ишратпарастликни ёқтирмаса-да, бу нарсага аёвсиз эмас...Агар Темурбек меҳмон қабул қилсаю, меҳмони насроний бўлса,(бошқа дин вакили) унга шароб қуйиб берилади, аммо ўзи ҳам фарзандлари ва лашкарбошилари ҳам кайф берувчи ичимликдан тийилишади».**

Соҳибқирон узоқни кўра билладеган инсон сифатида, май , шароб ичиш оғир ва салбий оқибатларга олиб келишини назарда тутиб, фарзандларини ҳам кайф берувчи нарсалардан тийилишга чақирган: **«Эҳтиёт бўлинг; шароб, май, ва бошқа кайф берувчи нарсалардан сақланинг! Агар унга ружу қўйсангиз, билингки, мулкингиз барбод бўлади, ҳокимиятингиз қулайди».**

Соҳибқирон нафақат эл-юрт тақдири тўғрисида , балким соғлом авлод тўғрисида ҳам қайғурган.**«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро,**

**шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим».**

Албатта, Соҳибқирон ушбу иллатлардан ҳалос бўлиш ва уни олдини олиш мақсадида нафақат маслаҳат, балким амалий чора ва тадбирлар ҳам қўллаган. Жумладан, тарихий манбалар шоҳидлик беришича: **«Унинг бахтиёр ноиблари тасарруфи доирасига кирган жамики мамлакатлардаги майфурушлик дўконлари ва майхоналарни йўқоттирди. Ваҳоланки, Бағдоднинг «Сукус-султон»идан, шунингдек Табриздан, Султониянинг узун кўчасидаги майхоналардан, Шерознинг» Доруллуф»идан, Кирмоннинг қуйи кўчасидаги ва Хоразмдаги майхоналардан ҳар қуни бир неча туман маблағ йиғиларди». Бундан ташқари, Соҳибқирон ахлоқсиз ишларга тоқат қилмаганлар. Ахлоқсиз ишлар билан шуғулланганлар эса, салтанатда ўрнатилган қонун асосида жазоланган. «Мусулмон дунёсининг энг гуллаб яшнаган марказларидан бири ҳисобланмиш Бағдодда ичкиликбозлик ва турли бузуқликлар авж олганлиги ҳақида хабар топган Амир Темур фармони билан шаҳарда мавжуд бўлган барча маст қилувчи ичимликларни Дажла дарёсига тўкиб юборилади, шаҳарда кенг тус олган фоҳишахоналар зудлик билан ёпилади».**

Худди шунга ўхшаш воқеа, 1391 йилда Тўхтамишхон билан бўлган жангдан кейин содир бўлади. Ушбу воқеани таниқли ўзбек адиби Пиримкул Қодиров ўзининг «Амир Темур сиймоси» асарида қуйидагича тасвирлайди.: **«Ўлжалар орасида хонлар ичадиган хумлар тўла майлар ҳам бор эди. Амир Темур май ичмагани учун беку навкарлари ҳам майхўрликдан ўзларини тияр эдилар. Хумлардаги майларни Сух дарёсига тўкиб ташладилар».**

Кўриниб турибдики, улуғ Соҳибқирон мамлакат тарраққиётига тўсқинлик қилувчи, инсон соғлиғига зарар етказувчи, халқ тинчлиги ва аҳиллигига раҳна солувчи мудҳиш иллатларга нафрат кўзи билан қараган, улардан ҳазар қилган. Албатта, бундай иллатлар ва жирканч одатлар кўп, лекин улар ичида инсон ва жамият ҳаётида оғир асорат қолдирадигани борки, у на миллат, на чегара танлайди. Бу - ҳасаддир. Ҳасад туйғусидан

нафақат бизнинг халқимиз, балким бошқа халқлар кам жабр кўрган. Эътибор қилиб қарасак, бугунги кунда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширалаётган эзгу ишларни, эришаётган ютуқларимизни, ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кўра олмайдеган ғанимлар айнан ҳасад туфайли ўзларининг жирканч ишларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Агар, яқин ўтмишга назар ташласак, айнан шу жирканч туйғу таъсирида мустабид тузум даврида ҳам кўпгина улуғ ёзувчи ва олимларимиз, давлат арбоблари, жумладан улуғ бобокалонимиз Амир Темур номи ҳам қораланганлигини, улар қолдирган маънавий меросни йўқ қилишга ҳаракат қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Мақсад эса миллий ғурурни синдириш, миллий тарихни халқ онгидан ўчириш эди. Чунки, ҳасад туйғуси кенг тарқалган халқда аҳиллик, иноқлик бўлмайди. Бундай халқни эса итоат қилдириш ҳам, бошқариш ҳам осон кечган.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек: **«Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асорат қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан, муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни ҳудди шундай куйдириб тугатади» деб айтилгани бежиз эмас... Мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз».**

Энди янгича фикрлаш, янгича тафаккур қилиш вақти келди. Маълумки, халқимиз азалдан яхшиликка интилувчи, яхшиликни қадрига етувчи, яхшиликни севувчи халқдир. Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда яхшиликка интилиб яшаш, ҳаётни ҳам, инсонни ҳам, яхши томонларини кўра билиш ва

ёритиш вақти келди. Бунинг учун мустақил юртимизда барча шароит ва имкониятлар мавжуд. «Бировдан ёмонлик ахтарма, иғво гапларни айтсалар эшитма» (Амир Темур танбеҳлари).

Шу ўринда айтиш жойизки, агар, инсоният бундан етти аср аввал улуғ Соҳибқирон Амир Темур васият қилиб қолдирган ўғит ва насихатларга амал қилганда эди, бугунги кунда бутун дунё аҳлини хавотирга солаётган кўпгина балолар ва муаммолар билан рўбару келмас эди. Бунга сабаб нима? Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, албатта улуғ бобокалонимиз қолдирган маънавий меросни чуқур ва мукамал ўрганилмаганидир, аниқроқ айтганда ўрганишга йўл қўйилмаганидир. Ваҳоланки, улуғ Соҳибқирон келажак авлод ўқиб –ўрганиб ҳаётга тадбиқ этсин деган мақсадда қанча машаққатлар эвазига шундай буюк давлатни барпо қилганини, уни қандай сақлашликни, давлат ва жамият бошқарувида нималарга эътибор қаратиш лозимлигини ўз тузукларида ёзиб қолдирган эди. Эътиборли томони шундаки, барча ўғит ва насихатларни Амир Темур «осмондан олиб эмас» ўз ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда баён қилган. Шу ўринда улуғ бобомиз Амир Темур фаолиятига мурожаат қилиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.: **«Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун, сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг...** Афсуслар бўлсинки, Амир Темур вафотидан сўнг, у қолдирган васиятга тўлиқ амал қилинмади, бу эса ўз ўрнида шундай буюк давлатни параконда бўлишига олиб келди. Агар, Соҳибқирон майда давлатларга бўлиниб кетган, тарқоқлик, ички урушлар ва адолатсизликлар ҳукм сурган Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштирган бўлса, унинг васиятларига амал қилинмаганлиги ва ҳаётга тўғри тадбиқ этилмаганлиги туфайли, шундай буюк марказлашган давлат таназзулга юз тутди. Оллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, мустақиллик шарофати ва мамлакатимизда олиб борилаётган оқилна сиёсат туфайли халқимиз маънавиятида туб бурилиш юз берди. Амир Темур фаолиятига ва у қолдирган маънавий меросга адолат нуқтаи назаридан тўғри баҳо берилди. Айнан бугунги кунга келиб, Амир Темур васияти мустақил

Ўзбекистонда ўз ўрнини топди десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда Соҳибқирон қолдирган маънавий мерос чуқур ўрганилмоқда, тарғиб қилинмоқда ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилмоқда. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, бу эзгу ишларни раҳнамози ва ташаббускори албатта, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

Ҳақиқатдан ҳам, барчамизга олдимизда турган муаммоларни ечишда Амир Темурнинг панду ўғитлари қўл келаётган экан, унинг ҳаёти, фаолияти ва қолдирган маънавий меросига нафақат таваллуд кунларида, балким ҳар куни мурожаат қилишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди деб ўйлаймиз. Чунки, Темур тузукларини синчиклаб, чуқур англаб ўқиган инсон нафақат руҳан покланиб ва қалбан улғаяди, балким бугунги мураккаб ва таҳликали даврнинг кўпгина муаммоларига ҳам жавоб топа олади. Бу борада Ислом Каримов шундай фикр билдирадилар: **«Шахсан мен Темур тузукларини ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман».**

«Темур тузуклари» инсон маънавиятини озиқлантирадеган ҳикматли фикрларга бой бўлган дурдона асардир. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, инсон маънавиятини юқори ва юксак чўққиларга кўтаргувчи ушбу қўлланмани Соҳибқирон нафақат буюк саркарда, балким ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳам ота, ҳам бобо сифатида ўз фарзандлари, набиралари, қолаверса, авлодлари – яъни сиз ва биз учун ҳам ёзиб қолдирган. Ваҳоланки, оталар ва боболар фарзандларига фақат яхшиликни раво кўрадилар.

«Темур тузуклари»да баён этилган амаллар асрлар давомида катта синовдан ўтганлиги ва ҳаётийлигини исботлагани учун ҳам бутун дунё эътиборини тортиб келган ва ҳамон тортиб келмоқда. Шунинг учун ҳам «Темур

тузуклари» кўплаб мамлакатларда таржима қилиниб, мустаҳкам давлат қуриш йўли ва бошқарувда нималарга эътибор қаратилиши Соҳибқирон ўғитларига амал қилган ҳолда ўрганилиб, давлат бошқарувида кенг фойдаланилган. «Темур тузуклари»нинг 1783 йил француз, 1785 ва 1791 йилларда ҳинд, 1863 йил форс, 1830 йил инглиз, 1894 ва 1934 йилларда рус тилларида чоп этилгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек: **«Амир Темур буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман».**

Бугунги кунда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асари айнан шундай ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келган дурдона асарлардан биридир десак асло муболаға бўлмайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **«Ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятига эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди».**

**«Юртбошимизнинг бу китоби, –деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов - биз учун бир марта ўқиб қўйиладиган асар эмас, балки барчамизнинг иш столимиздан доимий ўрин эгаллаган, мунтазам фойдаланадиган, янада аниқроқ айтганда, ҳар биримиз кундалик фаолиятимиз давомида тез-тез мурожаат қилиб турадиган , том маънода дастуриламал қўлланма».** Ҳақиқатдан ҳам, китоб чоп этилганидан бери йиллар ўтаётган бўлса-да,юртбошимизнинг мамлакатимиз ва шу заминда яшаётган халқларни тақдири тўғрисида ўй-ташвишлари, хавотирлари акс этганлиги учун ҳам ҳеч бир кишини эътиборсиз қолдирмайди.Шунинг учун ҳам, **«Темур тузуклари»** ва **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асарларини қайта –қайта мутолаа қилиш, мағзини чақиш, барчамиз учун, айниқса раҳбар,етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун ўта муҳим ва фойдадан холи эмаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтишимиз лозим.Чунки, раҳбар шахслар давлат қудратининг рамзи ҳисобланади. Уларнинг озгина салбий ҳатти-ҳаракати ҳам халқ оmmasига тез таъсир этиб, жамиятнинг маънавий асосларига ҳам путур етказди.Демокчимизки, юқори лавозимларда ишлаётганлар, жумладан ташкилот,корхона раҳбарлари, умуман олганда барча мансабдор шахслар ўз ҳаёти ва жонини халқ манфаати йўлига тиккан, ватанпарвар, халқпарвар, адолатли, қўйингчи, маънавияти пок инсон бўлиши шарт. Чунки,маънавияти пок инсон миллат, халқ, давлат ва жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳамиша устун кўяди.Элим, юртим деб яшайди. Жамиятга фойда келтириш, кишилар дарди - ташвиши билан яшаш, бундай инсонлар ҳаётини мағзини ташкил этади. Бундай ватанпарвар ва халқпарвар кишилар сони қанча кўп бўлса, демократик жамият қуриш жараёни ҳам шунча тезлашади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик даврида ҳам масъулиятли лавозимларда фаолият юритаётган барча раҳбар шахслардан жуда катта масъулият ва фидойилик, ҳамда маънавийлик талаб этилади.Афсуски, юқорида санаб ўтилган фазилатлар ҳамма раҳбар ходимларнинг турмуш тарзидан кенг ўрин олган деб бўлмайди.Чунки,орамизда

бундай маънавий меросдан бебаҳра бўлиб қолган мансабдор шахслар оз бўлсада, ҳали ҳам учраб турадики, улар, очкўзлиги, худбинлиги, бахиллиги ва ғаразгўйлиги билан нафақат ўзи ва оиласи обрўйига, балким халқимиз ва давлатимиз шаънига ҳам путур етказиб қўядилар. Энг дахшатлиси, улар халқнинг назаридан қоладилар. Ваҳоланки, бундай шахслар сони орамизда қанча кам бўлса, демократик жамият қуриш жараёни шунча тезлашарди.

Яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Мустақиллик ва юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик – халқимизга Оллоҳ таоло томонидан берилган улуғ неъмат ва бахтдир. Дунёда бу бахтга эришолмаган халқлар, қанча! Шу боис, бахтимизни асраш ва бой бермаслик учун, улуғ аجدодларимиз қолдирган васиятларга ва ўзимизга раҳбар, етакчи қилиб сайлаган юртбошимизнинг доно ўғитларига амал қилишимиз мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз. Қачонки, ҳамфикр бўлиб, баҳамжихат ҳаракат қилсак, ўз хизмат вазифамизни виждонан бажарсак, гўзал истиқболга эришишимиз тез ва муқаррар бўлади. Бу баландпарвоз гаплар эмас, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган оддий зиёли одамнинг қалб сўзларидир. Ана шу оддий ҳақиқат ҳар биримизни, айниқса масъулиятли лавозимларда фаолият юргизаётган мансабдор шахсларнинг қалбидан чуқур жой олса, эл – юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, кўп миллатли Ватанимиз тақдири ва фарзандларимиз келажаги учун ўзимизни масъул ҳис этсак, Оллоҳ назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас ва мустақил заминга ҳеч ким, ҳеч қачон раҳна сололмайди. Мустақиллигимиз эса, абадулабад бўлади.

## **Х у л о с а**

Азалдан халқимизда ота ва боболар улуғ ва буюк зотлар ҳисобланган. Амир Темур биз учун ана шундай улуғ зотдир. Албатта, Соҳибқирондек буюк шахсларнинг авлоди эканлигимиз билан фахрлансак арзийди. Бу эса ўз ўрнида барчамизни уларга муносиб ворислар бўлишга ундайди. Мустақиллик шарофати туфайли Амир Темурни бобокалонимиз деб

улуғлаяпмиз. Бобокалон деганда форсийда “катта ота, бобо” тушунилади. Уларни эъзозлашимиз, улуғлашимиз шарт. Уларни ҳаёти биз учун мактаб, хато-камчиликлари эса дарс бўлмоғи лозим. Уларни қоралашга ҳаққимиз йўқ, хато-камчиликлари бўлса, бу хато-камчиликларини ҳаётимизда такрорламаслигимиз, яхши фазилатларини ўрганиб, кундалик ҳаётимизга тадбиқ этишимиз лозимдир. Албатта, хато-камчиликсиз, айбсиз инсон бўлмайди. Беайб Парвардигор. Амир Темур ҳукмдор бўлгани билан у ҳам инсон, лекин Оллоҳ назари тушган улуғ инсон. Улуғлигининг бир томони шундаки, у ўз умрини золимларга қарши курашга, эл юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бағишлади. **«Эрону Туронни забт этдим, бечораларга озор етказдим. Унинг учун Тангри таоло гуноҳимни кечирсин. Лекин уни эл - юрт ва оддий халқ тинчлиги ва омонлиги учун деб қилдим. Жаҳон халқлари этагидан золимларнинг зўравонлик қўлини юлиб ташладим»** (Амир Темур васиятлари).

Албатта турли миллат ва элатдан ташкил топган шундай улкан давлатни қуриш ва бошқариш ўта оғир ва мураккабдир. Бу инсондан ақлу заковат, матонат, сабру-тоқат ва мустаҳкам ирода талаб қилади. Давлатни бошқариш учун улуғ бобокалонимиз ҳам ҳузур-ҳаловатдан воз кечганлиги тарихий ҳақиқатдир. **«Салтанат чопонини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ва хузур-ҳаловатдан воз кечдим»** дейилади «Тузуклар»да . Аммо, нима бўлганда ҳам, улуғ Соҳибқирон адолатга таянган улкан давлат барпо этди ва уни муваффақиятли бошқарди. Бугунги кунда ҳам Соҳибқирон шахсияти ва тарихига қизиқиш сўнмаганлиги, балки янада кучайганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жойиздир.

Бу ҳақда таниқли француз олими Люсьен Кэрэн шундай дейди: **«Амир Темур, шубҳасиз, жаҳон цивилизациясида катта из қолдирган буюк шахсдир»**. Зотан, Темур ва темурийлар даврида санъат ва маданиятнинг барча турлари гуркираб яшнаган. Шаҳарсозлик, меъморчилик, тасвирий санъат, илми фан, мусиқа, адабиёт ўта ривожланган. Бу соҳалар нафақат пойтахтда, балки темурийлар бошқарган мамлакатларнинг чекка шаҳар-

**ларида ҳам раvнақ топган. «Соҳибқирон шахсияти ва тарихига қизиқиш Европада, хусусан Францияда жуда кучли бўлган. Амир Темур инсониятнинг мангу мурожаат қиладиган даҳоларидан бири бўлиб қолиши аниқ».**

Албатта, бунинг нафақат бизнинг халқимиз томонидан балки, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани қувончли ҳол. Бизнинг вазиғамиз эса ота-боболар айтган ўғитларга, яъни насихатларга амал қилишдир. Чунки, аждодлар ўғитига амал қилган авлодлар ҳеч қачон кам ҳам, хор ҳам бўлмайдилар. Уларга қандай муносабатда бўлсак, келажакда фарзандларимиз ҳам бизларга шундай муносабатда бўладилар. Буни қайтар дунё дейдилар. Барчамизнинг ниятимиз ва мақсадимиз Ўзбекистон Республикасида яшайдиган барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, дини ва тилидан қатъи назар ҳеч кимдан кам бўлмаслиги ва фарзандларимизнинг бахтли, саодатли бўлишидир. Давлат раҳбаримиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: **«Биз халқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозимдир».**

## МУНДАРИЖА

Гуллаётган боғ ҳавоси( Тўлқин Ҳайит)-----	3
Муқаддима-----	4
Исботини топган башорат-----	6
Бизнинг йўлимиз-адолат ва озодлик йўли-----	10
Ҳақиқий эрлар- юрт таянчи-----	20
Оврўпо ҳалоскори-----	34
Дархон момонинг танбеҳи-----	40
Султония епископинингъэтирофи-----	44
Мевали дарахтга тош отилади-----	63
Соҳибқирон давлатида ва навқирон Ўзбекистонда диний бағрикенглик-----	72
Ибн Халдуннинг совғаси-----	77
Хулоса-----	90

*Оммабон нашр*

**КОМИЛЖОН СУЛТОНОВ**

**АМИР ТЕМУРГА  
МУНОСИБ  
ВОРИСЛАР**

*Муҳаррир Ж.Кўнишев  
Бадиий муҳаррир А.Ақилов  
Техник муҳаррир У.Ким  
Мусаҳҳиҳ З.Ирисбоева  
Сахифаловчи Б.Усмонов*

---

*Лиц А1№111.Босишга 8.01.2014 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84.Хажми5.5б.т Адади 450 нусха.  
Шартнома№08 \01-14. Буюртма№3*

---

**«Yangi nashr» нашриёти.  
100115 Тошкент Чилонзор кўчаси , 1-уй  
Тел:(99890)998-60-96**

**Оригинал макет «Bilik-Print» МЧЖ корхонасида тайёрланди.  
100115 Тошкент Чилонзор кўчаси , 1-уй**

**«O'QUV-TA'LIM METODIKA»ДУК босмахонаси.  
100115 Тошкент ш. Чилонзор тумани, Фурқат кўчаси , 174-уй**



**1965 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган.1989 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Қарши Давлат Университетининг) тарих факультетини тугатган. Унинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ўнлаб мақолалари республика ва маҳаллий матбуотда эълон қилинган.**

**Комилжон Султонов айти пайтда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келяпти.**

